

**«ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН
СУҲБАТ ОДДИЙ ВА
САМИЙ КЕЧДИ»**

3

**«ТАРБИЯ СОҒЛОМ
БЎЛСА, ОИЛАЛАР
АЖРАШМАЙДИ»**

10

MaHalla

ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#36 (2122) | ШАНБА, 9 СЕНТЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ

ХОНАДОНЛАР, КЎЧАЛАР, МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИ — ЮРТНИНГ ОБОДЛИГИДИР



Президент ташаббусига асосан, мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида танлаб олинган маҳаллаларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда

2

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ
ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ
БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ»
ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ
ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ:**


«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ;

«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

**«ТАШАББУС»
«МАЖБУРИЯТ»ГА
АЙЛАНИБ
ҚОЛЯПТИМИ?**



3

**РАИС ВАКОЛАТИ
АМАЛДА БЎЛИШИ
УЧУН НИМА
ҚИЛМОҚ КЕРАК?**



6

**«ЕР БЎЛСА,
ҚУРИШ УЧУН
МАБЛАҒДАН
МУАММО ЙЎҚ»**



8

**ҚОНУНИЙ
НИКОҲСИЗ
ТУҒИЛИШЛАР СЕНИ
ОРТЯПТИ...(МИ?)**



14

Хонадонлар, кўчалар, маҳаллалар ободлиги — юртнинг ободлигидир

Президент ташаббусига асосан, мамлакатимизнинг 14 та ҳудудда танлаб олинган маҳаллаларда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда



ТОШКЕНТ ШАҲРИ.

Бектемир туманидаги «Гулбоғ» маҳалласида «хонадонбай» юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишлари амалга оширилмоқда. Аҳоли муурожаатлари асосида тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 12,8 километр ичимлик сув қувурлари тортилди, натижада 554 та хонадон ичимлик сув билан тўлиқ таъминланди.

Маҳалладаги ички йўллар ҳолатини яхшилаш мақсадида 1 километр йўл асфальт қилинди. Маҳалладаги 3,9 километр газ қувурлари янгиланиб, 4 та газ тақсимлаш пункти таъмирланди. Электр таъминоти бўйича 17 та эскирган симёғочлар демонтаж қилинди ва 36 та янги устунлар ўрнатилди, 1 та трансформатор пункти таъмирланди. Шунингдек, «Гулбоғ» маҳалласининг Обод, Туркистон, Нафосат, Зиёнон кўчаларида сайилгоҳ, спорт майдончаси, воркаут, болалар майдончалари барпо этиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, фуқаролар-

нинг соғлиқни сақлаш, моддий ёрдам, бандлик, субсидия, кредит, уй-жойни таъмирлаш ва бошқа масалалар бўйича муаммолари аниқланиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Уйма-уй юриб ўрганишлар натижасида 13 нафар фуқарога шифохоналарда даволаниш учун бепул йўлланма берилди, 144 нафарга зарур дори-дармон, ногиронлик аравачаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилаларни тadbиркорликка жалб қилиш мақсадида 22 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 15 нафари ўзини ўзи банд қилди ҳамда 9 нафари касб-хунарга ўқитилди, 3 нафар фуқарога тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун субсидия асосида маиший техника олиб берилди. Оғир турмуш шароитида яшовчи 48 нафар фуқаронинг хонадонларида таъмирлаш ишлари белгиланиб, ҳозирда 24 та хонадонда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Нукус туманидаги Кердер овул фуқаролар йиғинида «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» дастурлари асосида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қайд этиш керак, бугунги кунда овулга олиб келувчи 1,4 километр йўлга асфальт ётқизилди, 35 та кўчага 20 километр узунликдаги ичимлик сув тармоғи тортилиши бошланди, ҳомийлик ҳисобидан 1 та хонадонга артезиан қудуқ қазиб берилди. Худудга 1 та янги трансформатор ўрнатилди, 80 та яроқсиз таянч устун олиб ташланди, 179 дона газ баллон тарқатилди. Овулдаги 9-сонли болалар боғчаси 4,5 миллиард сўм эвазига капитал таъмирланмоқда, маданият маркази биноси қурилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 13 та хонадонни таъмирлаш ишлари якунланди.

Шунингдек, 108 та хонадон оқланди, 45 та хонадоннинг томорқаси тартибга келтирилди, 11 та хонадоннинг том қисми таъмирланди. Оилаларни тadbиркорликка жалб қилиш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида 15 нафар фуқарога тикувчилик, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда 143 миллион сўмлик субсидия, 24 нафари касб-хунарга ўқишга йўналтирилди, 35 нафари ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилинди. 22 нафар хотин-қиз тикувчилик ўқув курсида ўқитилмоқда. 8 нафар фуқарога 180 миллион сўмлик кредит ажратиб берилди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Боёвут туманининг «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам «Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» дастурлари мезонлари доирасида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Кўчалар тоза ва озода ҳолга келтирилди. Эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. 4 та трансформатор таъмирланиб, 160 та тунги ёритиш устунни ўрнатилди. 4,5 километр ички йўл мукамал таъмирланди, 2,5 километр ариқ ва 6,5 километр зовур тозаланди. Мавжуд спорт майдончаси, умумтаълим мактаби, оилавий шифокорлик пункти, маҳалла идораси бино ва иншоотлари қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди.

— Бугунги ўзгаришлардан одамларимиз миннатдор — дейди «Тинчлик» маҳалласи раиси Дониёр Хўжанов. — Маҳалламизда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамқишлоқларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бу ишларда одамларимиз қараб туришгани йўқ. Ўз хонадонни, кўчасини озода сақлашга интилоқда. Бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади. Жумладан, ички йўлларнинг қолган қисмини асфальт қилиш, йўлақлар ва спорт майдончалари қуриш ниятидамыз.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.

Ёзёвон туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалласида «Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» мезонлари асосида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Қарийб 130 йиллик тарихга эга ушбу маҳаллага 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланди ва аҳолининг яшаш тарзи ўзгарди. Маҳалладаги 335 та хонадон хатловдан ўтказилди. Аниқланган муаммолар бартараф этилди. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносига кўшимча 3 та хизмат хоналари қурилди. 3-мактабгача таълим ташкилоти таъмирдан чиқарилди. 17 та кўп қаватли уйлар, 2

та ижтимоий соҳа объектларини оқова тармоғига улаш учун 1,9 километр янги оқова сув тармоғи қуриш бўйича 800 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Амир Темур ва Истеъдод кўчаларига 400 метр пиёдалар йўлақлари қурилди, кўёш панелли тунги ёритиш чиқроқлари ўрнатилди. 2 минг 700 метр ичимлик сув тармоғи тортилди, 1 та оқова сув қудуғи қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Электр энергияси таъминоти яхшиланди, 4,5 километр ички йўлларга асфальт ётқизилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш учун қиймати 165 миллион сўм бўлган Workout майдончаси барпо этилди.



НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ.

Мингбулоқ туманидаги «Қизилқум» маҳалласида дастур ижроси доирасида ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Ҳозирга қадар 2,5 миллиард сўмлик 13,7 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди, 393 хонадонга сув ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Шунингдек, 2023 йил биринчи ярмида сув иншоотлари тўла таъмирланди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида жойларга бетон таянч устунлар ва 1 та транс-

форматор ўрнатилди. 3,7 километр электр тармоқ, 1 та трансформатор мукамал таъмирланди. Шу билан бирга, 168 та аҳоли хонадонига газ жиҳозлари жорий таъмирланди. Мослаштирилган ҳудуд бўлганлиги сабабли 1,2 километр газ тармоғи демонтаж қилинди. Жами 3 километр узунликда оптик толали алоқа тармоғи тортилиши эвазига 40 та хонадон интернет хизматига уланди. Айни пайтда маҳалланинг 9,5 километр ички қисми тўлиқ асфальтланмоқда.



ИСЛОҲОТ

МАНЗАРА

«Президент билан суҳбат оддий ва самимий кечди»

Маҳалла бугун Президентнинг шахсан эътиборида. Қайси ҳудудга бормасин, давлат раҳбари, албатта, маҳаллаларга ташриф буюради, у ердаги одамлар ҳаёти, шароитлари билан танишади. Керак бўлса, зарур чоралар қўрилиши бўйича ўша жойнинг ўзида масъулларга топшириқлар берилди. Июль ойида давлатимиз раҳбари бизнинг маҳаллага ташриф буюрганда ҳам шундай бўлди: Президентимиз йўлма-йўл ҳамма билан бирма-бир сўрашиб чиқди, нурунийлар билан самимий суҳбат қурди. Бу бизга куч бериб, кайфиятимизни кўтарди.



Саноат ЯХҲЕВА,
Олмазор туманидаги
«Хастимом» маҳалласи раиси.

Маҳалламиз шаҳарнинг тарихий қисмида — Эски шаҳарда жойлашган. Шунга кўра, ҳовлилар, тор йўллар, ўзбекона яшаш муҳити сақланиб қолган. Бугун бу ерда 1 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланади. Давлат ташкилотларида ишлайдиган, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиганлар талайгина. Энг муҳими, бугун маҳаллада ишсиз фуқаро деярли йўқ.

Очиғи, давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга ташрифи биз учун қутулмаган воқеа бўлди. Президент хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Нурунийлар маҳалладаги турмуш тарзи, ёшларнинг касб-кори ҳақида сўзлаб беришди. Шавкат Мирзиёев ҳар биримиз билан суҳбатлашар экан, «нима муаммо борлигини ўзингизнинг тилингиздан эшитиш учун келдим», деди. Суҳбат шу қадар оддий ва самимий эдики, маҳалладошларимиз ҳам барча гапни очик-ойдин гапирди.

Хусусан, аҳоли вакиллари кўчалар жуда торлиги, кичкина уйларида 4-5 та оила яшаётганини айтиб, ёрдам сўради. Президент бунга жавобан аҳоли яшаётган ва хонадон вакиллари рози бўлса, тор жойдаги уйлар бузилиб, янгиланишини айтди. «Уйимиз ўзимизга маъқул», деганларга эса ўз уйи қолдирилди, деди. Ҳар бир муаммони сабр билан эшитиб, аҳоли билан оддий одамлардек самимий суҳбат қилгани маҳалла аҳлини қувонтирди.

Ўз ўрнида ташриф давомида давлатимиз раҳбари уйларида ташкил этилган ҳунармандлик



устахоналари ва маҳалладаги кичик кўргазмани кўздан кечирди. Ўзини ўзи банд қилишни кенгайтириш, туристлар учун савдо ва хизматларни йўлга қўйиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Бу ишларнинг ижроси ўз навбатида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, янги иш ўринлари очиш, умуман, аҳолига қулайлик яратиш имкониятини ҳам беради.


Яна бир гап: Президентимиз Бош вазир бўлган пайтда «Хастимом» мажмуаси қурилишига шахсан ўзлари бош-қош бўлганди. Мен ўша пайтда маҳалла идорасида котиба бўлиб ишлардим. Ушанда Шавкат Мирзиёевнинг кечани кеча, кундузни кундуз демая ишлаши, ғайратини кўриб, яхши хислатларини ўрганганимни айтдим. Аввалдан таниганим, кўрганим, ўша пайтда бирга ишлаганим учунми, давлат раҳбари билан суҳбатимиз анчайин самимий бўлди. Президентнинг, айниқса, маҳалланинг бугунги ислохотлардаги ўрни, одамлар муаммоларига ечим топишдаги аҳамияти, ҳар қандай масала маҳалланинг ўзида ҳал бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари биз, «бешлик» вакиллари янада масъулият билан ишлашга ундайди.

Умуман олганда, бугун одамларимиз ўзгаришлардан мамнун. Айниқса, ҳар бир фуқаро давлат эътиборида экани, ҳеч ким муаммо ва ташвишлари билан ёлғиз қолиб кетмаётгани, узоқ йиллик камчиликлар бирма-бир ечим топаётгани аҳолида ислохотларга ишонч уйғотмоқда. Албатта, бу жараёнларда маҳалланинг роли ва ваколати ошиб бораётгани бизни қувонтиради. Шунга муносиб бўлиш, йиғиндаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, керак бўлса, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишлаш зиммамиздаги асосий вазифадир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«Ташаббус» «мажбурият»га айланиб қоляптими?

«Ташаббус» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «уддабуронлик билан мустақил иш қилиш» деган маънони билдиради. Одатда, бундай ишлар ихтиёрий қилинади. Аммо бир йилда икки марта «ташаббус» сўзи «мажбурий» сўзининг синонимига айланиб қолаётгандек. Нега?



Биринчи ҳолат. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг иккинчи мавсумига старт берилганига кўп бўлмай, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 12-умумтаълим мактабида ўқитувчилардан 500 минг сўмдан пул йиғилгани аниқланди. Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг маълумот беришича, таълим масканларида 27 нафар ўқитувчи орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 11 нафар педагог чиндан ҳам «Ташаббусли бюджет» учун мажбуран пул талаб этилганини, 16 нафари ўз хоҳишларига кўра ташаббус кўрсатганини билдирган.

Иккинчи ҳолат. Юқоридаги каби вазиятлар лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсумида ҳам кўп бор қузатилганди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Ангор тумани «Новшаҳар» маҳалласидаги 36-умумтаълим мактабида ўқитувчиларга «Ташаббусли бюджет» учун овоз йиғишга мажбурий топшириқ берилгани айтилган. Навоий вилояти Навбахор туманидаги 9-умумтаълим мактаби директори ўқитувчиларга 50 тадан овоз тўплаши кераклигини айтиб, босим ўтказган. Худди шундай мурожаатлар Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ҳамда Наманган вилояти Уйчи туманидаги ўқитувчи ва ота-оналардан ҳам келиб тушган.

«Ташаббусли бюджет» — қисқа фурсатда фуқароларни бирлаштирган катта лойиҳага айланди. У орқали одамлар сўнгги вақтларда чиндан ҳам ўз овозининг аҳамиятига ишона бошлагани, англаётгани, дахлдорликни сезаётгани, бир мақсад йўлида ўзаро уюштириш ўргангани рост. Одамлар ижтимоий масъулиятни ҳис эта бошлади, ўзаро жиқлашди, ҳудуддаги ҳал этилиши зарур деб билган муаммоларни лойиҳа сифатида тақдим этиб, ғойиб чиқиш учун, эҳ-хе, нималар қилмади, дейсиз: **қаердадир битта овоз учун бир литр ёғ, икки-уч килограмм ун, бошқа жойда тарвуз, яна бир ҳудудда кир ювиш кукунни тарқатилди. Ҳатто чекка қишлоқлардан пойтахтга келиб, жамоат жойларида — кўчада, метрода, сайилгоҳда, бозор ўртасида одамларга илтимос қилиб, ҳар бир овозга салқин ичимлик ёки нақд пул тақдим этилаётганига ҳар кунги гувоҳ бўляпми.**

Нима бўлганда ҳам, шу каби ташкилотчиларни қўлаб-қувватлаш керак: ахир улар елиб-югуриб ўзлари учун ош сўрамаяпти, нон сўрамаяпти, аксинча кўпларнинг манфаатига хизмат қилувчи ижтимоий масалалар учун курашяпти. Бироқ шундай деймиз, афсуски, жойларда, бюджет ташкилотларида ходимларни овоз йиғишга мажбурлаш, бунинг учун пул йиғиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу эса қонунчиликка зид саналади.

Қонун нима дейди? «Ташаббусли бюджет» лаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорига асосан, овоз йиғишга мажбурлаш мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади.

Қарорга кўра, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ беришлари тақиқланади. Бунда мажбурий овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланиши белгиланган. Қонунчиликка кўра, мансабдор шахснинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиши — **БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда (1 миллион 650 минг сўмдан 3 миллион 300 минг сўмгача) жарима солишга сабаб бўлади.**

Шу билан бирга, фуқаролар «Ташаббусли бюджет» жараёнлари доирасида мажбурий овоз бериш ҳолатларига дуч келса, бу ҳақда

зудлик билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ишонч рақамларига (71 203 51 41, 71 203 50 50 (ички рақам — 01 115), 71 203 19 93 (ички рақамлар — 01 116, 01 117) ёки «Очик бюджет» ахборот порталининг онлайн мурожаат бўлимига (<https://openbudget.uz/questions>) хабар беришлари мумкин.

Вазият ўзгариши учун нима қилиш керак? Очиғи, лойиҳага старт берилганига 3 йилдан кўпроқ вақт бўлаётган бўлса-да, ҳар йили ходимларни, ота-оналарни овоз беришга мажбурлаш ҳолатлари учраб турибди. Ҳатто бутун қишлоқ ёки маҳалла аҳолисининг ҳар бири қўшимча сим-карта олиши учун уйма-уй пул йиғилган вазиятларга ҳам дуч келганмиз. Хўш, вазиятни ўзгартириш, «ташаббус»ни «мажбурий»дан ажратиш имкони борми?

Бизнингча, «Ташаббусли бюджет»га овоз бериш SMSга боғлангани учун бир киши бир нечта сим-карта сотиб олиб овоз бериши мумкин, бу эса «Бир одам — бир овоз» тамойилини бузади. Шу боис **овозларни IMEI тизими орқали идентификация қилишни тақлиф этиш мумкин.** Бунинг афзаллиги шундаки, бир қурилма орқали фақат бир марта овоз бериш имконияти яратилади. Яъни сиз телефонингиздаги «Beeline» рақамдан овоз берган бўлсангиз, иккинчи рақамингиз «MobiUz» бўлса, ундан қайта овоз бера олмайсиз.

Худди шундай, **жисмоний шахснинг идентификация рақами (ЖШИР)** орқали ҳам овоз беришни ташкил этиш мумкин. Биламиз, банк соҳаси ҳамма жисмоний шахсларнинг ҳисоб-варақларини ЖШИРга боғлай олди. Битта ЖШИРга боғланган рақамларнинг фақат биттасидан бир марта овоз бера олиш имконияти бўлиши керак. Яъни битта паспортга бир нечта телефон рақам олинган бўлса, фақат битта рақамдан овоз бера олиш керак, қолганлари автоматик рад этилиши лозим.

Яна бир муҳим жиҳат — лойиҳа тақдим этаётган **ҳудудларнинг аҳолиси ўртасидаги тавофут** билан боғлиқ. Дейлик, Косон (300 мингдан зиёд) ва Муборак (91 мингдан зиёд) туманлари аҳолиси ўртасида каттагина фарқ бор. Демакки, овоз тўплашда косонликларнинг муборакликларга нисбатан имкониятлари кўпроқ. Шундан келиб чиқилса, икки ҳудуддан аҳамияти бир-биридан қолишмайдиган лойиҳаларни тарозига қўйишда айна жиҳатни ҳам кўзда ту-тувчи бирор-бир тизим ишлаб чиқиши керак.

Хўш, сиз бу ҳақда нима дейсиз, азиз маҳалладош?

«Мурожаат қиляпмиз, натижа бўлмаяпти...»



Маҳалламизда жами 3 325 нафар киши яшайди. Қишлоқ маҳли, асосан, томорқачилик билан даромад топади. Асосий «драйвер»имиз — хунармандчилик ҳисобланади.

Жасурбек АБДУМАННОПОВ,
Анджон туманидаги
«Бобоғози» маҳалласи
раиси.

Шу боис саватчиликни янада ривожлантириш мақсадида худудимиздан лидер тадбиркор танлаб олдик. Бугунга келиб Ҳалимжон Жўраев барча оилавий тадбиркорларга хомашё етказишдан тортиб, тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган жараёни назоратига олган. Аҳолининг 70 фоизи саватчилик билан шуғулланади. Ҳозирда маҳаллада 33 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, унда 70 нафардан ортиқ фуқаро бандлиги таъминланган. Масалан, эрта баҳордаги хатловда 8 нафар ишсиз аниқланган бўлса, ҳозирда бирорта ишсиз йўқ.

Босқичма-босқич инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ечимини топяпти. Қиш ойларида, ёғингарчилик мав-

сумида асфальт қилинмаган йўллардан оёқларимиз лойга ботиб, манзилимизга зўрға етиб олардик. Айниқса, бундай шароитда болажонларимиз мактабга бориб-келишга қийналарди. Узоқ вақт ана шундай муаммолар гирдобида яшадик. Яратганга беҳисоб шукр, у кунлар ортда қолди. 1,5 км. йўлларимиз асфальтланди. Худудлардаги муаммоларни «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ўрганиш тизими йўлга қўйилиб, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» юритила бошлангани ўз самарасини бермоқда. Бу тизим орқали ҳар бир хонадонга кириб бориляпти, фуқароларнинг муаммоси ўрганиляпти. Тадбиркорлик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби йўналишларда ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда. Бу орқали аҳоли бандлиги таъ-

минланиб, оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида деҳқон хўжалиги сифатида фойдаланиш учун чиқарилаётган ер майдонларидан «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган ёшлардан 20 нафари, «Аёллар дафтари»дагиларнинг 4 нафарига 0,20 гектардан ер ажратилди.

Аммо электр тармоқларини янгилаш, эски симёғочларни бетон таянч устунларга алмаштириш лозим. Айниқса, трансформаторлар эскирган. Бу қиш мавсумида катта муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Туман ва вилоят электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилганмиз. Афсуски, натижа бўлмаяпти. Бундан ташқари, ички йўлларимизнинг 3 км. қисмини асфальтлаш ёғин-солинли кунлар олдидидаги долзарб вазифа бўлиб турибди.

ТАКЛИФ

«Кўприк жуда таъмирталаб, ўтиб-қайтиш хатарли...»

Айни вақтда маҳалламизда 3 218 нафар киши истиқомат қилади. Улар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, тоифаларга ажратиб олинган. Яқин-яқингача маҳаллада ишсизлик даражаси юқорилиги боис ёшлар орасида жиноятчилик, оилавий ажралишлар сони нисбатан юқори бўлган.



Абдусалом ЭШБОЕВ,
Арносой туманидаги
«Олтин водий» маҳалласи раиси.

Аввал «қизил» тоифадаги маҳалла эдик. Ҳозир бу рўйхатдан чиқдик. 2022 йилда жиноятчилик 6 марта содир этилган бўлса, бугунги ҳолатда 2 мартага камайган. Бу кўрсаткич одамларнинг иқтисодий фаровонлиги ошгани, меҳнат билан банд бўлганининг нишониси. Сабаби, ёшлар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам иш билан банд. Иш билан банд бўлмаганлари хунар ўрганяпти ёки бирор касбга йўналтириляпти.

Яна бир ўзига хос ўзгариш одамлар мурожаати билан боғлиқ. Агар ўтган йиллар мисолида кўрадиган бўлсак, мурожаатчилар турли юқори ташкилотларга борган бўлса, бугун маҳаллага келяпти. Чунки аксарият масалалар шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда.

Ишсизликни бартараф этиш учун «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида «Онлайн маҳалла» платформаси орқали жами 75 та лойиҳага ижобий тавсиянома олишга эришдик. Шунингдек, биргина ўтган йили 27 та янги субъект ташкил этилди, 16 та оилага субсидия берилди. 15 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машиналари олинди.

Ўз навбатида маҳалла инфратузилмасининг яхшиланаётгани ободлик ва фаровонликни таъминляпти. Масалан, жорий йил бошидан 4 км. йўлимиз бетонланди. 4 та кўчамизнинг асфальти

таъмирланди. Тўртта кўчамиздаги оқова сув муаммосини ҳал этиш учун сув тортиш насоси ўрнатилди. Эски симёғочлар 10 та янги бетон таянч устунга алмаштирилди. Бу каби ишларда «Ташаббуси бюджет» лойиҳасидаги иштирокимиз кўл келяпти. Масалан, 200 метр масофадаги йўлларни асфальтлаш таклифимиз лойиҳада ғолиб бўлди.

Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Бизда айрим масалалар ечимини кутиб ётибди. Аввало, маҳаллага бино керак. Ҳозирда почта алоқа бўлимига қарашли бинонинг 2 та хонасида иш олиб борапмиз. Бино учун ер ажратиш ҳақида туман ҳокимлигининг қарори чиққан. Аммо негадир қурилиш бошланмапти. Маҳалланинг бешта ходими 2 та хонада ишлашга қийналяпти.

Яна бир муаммо — маҳалламизнинг 4 та — Беклар, Шеробод, Янгийўл, Катта боғ кўчалари марказдан ажралиб қолган. Уртада катта сой ўтган. Бу сой устида қатнов кўприги бўлиб, ҳозир жуда таъмирталаб, ўтиб-қайтиш хатарли. Бу кўприкдан 600 нафар аҳоли фойдаланади. Уларнинг орасида мактаб ва боғча ёшидагилар ҳам бор.

БИЛАСИЗМИ?

Собиқ маҳбусларни ишга олганларга субсидия берилади

«Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 октябрдан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир шахс учун 3 ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг БҲМнинг 3 баравари (990 минг сўм) миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

Бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав (фонди) капиталда давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно.

2025 йил 1 январгача тадбиркорларга жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг назоратда бўлган (пробация) даврида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қайтариб бериш тизими жорий этилади.

Шунингдек, 2023 йил 1 октябрдан қуйидагилар йўлга қўйилади: «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида жазони ижро этиш

муассасаларидан озод қилинган шахсларга касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ташкилотлардаги мавжуд бўш (вакант) ҳамда захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш тизими.

Қарор билан Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағла-

ри ҳисобидан субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Унга кўра, иш берувчилар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсни ишга қабул қилгандан сўнг 3 ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан кейин субсидия олиш учун туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига ёзма равишда ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали мурожаат қилади.

ТАКЛИФ

«Камера кўп бўлса,
кўчаларни кузатиш мумкин»

Президентнинг «2022-2023-йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида 6 205 нафар маҳалладошимизнинг узок йиллик муаммолари ижобий ечим топапти.

Иброҳим НАЗАРОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Аччиққўл» маҳалласи раиси.




хоҳловчиларга кредит, субсидия олишга кўмаклашилди, тикувчилик корхоналарига ишга жойладик. Асосий «драйвер»имиз енгил саиот бўлиб, аҳоли тикувчилик ва тўқувчилик бўйича ўзини ўзи банд қилган. Шунингдек, соҳада лидер тадбиркор Акмал Юнусов ҳамда Абдувоҳид Маҳмудовлар уларга хомашё етказиб беришдан тортиб, тайёр маҳсулотни сотишгача кўмаклашмоқда.

Худудимизда 24 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш муҳим ҳисобланади. Шу боис уйларимизнинг 50 фоизи кузатув камералари билан жиҳозланган. Агар мана шу рақамлар 100 фоизга етса, жиноятчиликларнинг олдини олишга эришган бўлардик.

алмаштириш лойиҳасини қўйдик. Бундан ташқари, ҳашар йўли билан худуддаги қабристоннинг 1 600 метр қисми девор билан ўралди. Юқоридаги саъй-ҳаракатларимиз сабабли маҳалламиз шаҳардаги энг намунали фуқаролар йиғинига айланди.

Жорий йил ўтказилган хатлов натижасида барча тоифалар бўйича рўйхат шакллантирдик. Шунга асосан, одамларга кўмак кўрсатиб келяпмиз. «Аёллар дафтари»да 188 нафар, «Ёшлар дафтари»да 6 нафар, «Темир дафтар»да 3 нафар эҳтиёжманд рўйхатга олинган.

Сўнги сўровномада аниқланган 31 нафар ишсиздан бугун атиги 9 нафари қолди, холос. Бунда ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан



гич қўйдик. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида 1,5 км. йўлни асфальтлаш таклифимиз ғолиб бўлди. 2021 йилда эса болалар ўйингоҳи қуриш лойиҳамиз энг кўп овоз олганди. Жорий йилда электр узилишларни бартараф этиш мақсадида янги трансформатор ўрнатдик. Оқйўл кўчасидаги кабеллар янгиланди.

Бу сафарги «Ташаббусли бюджет»га худудимиздаги 7-мактабни кенгайтириш ва 110 та эски симёғочларни янги бетон устунларга

Шу кунгача Гулшан кўчасининг 1,2 км. ички йўллари асфальт ётқизилди, зах сувларни тортиш учун «дренаж» ўрнатилди. Асосий кўчаларимизга 80 дона кўча ёрит-

«Бу йил қишда
қийналиб қолмаймизми?..»

Бугун маҳалла муаммоларини ҳал этишнинг турли имкониятлари мавжуд. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси, ҳомийлик асосида худуддаги катта-кичик масалаларга ечим топиш мумкин.

Раҳмонжон ИБРАГИМОВ,
Чуст туманидаги
«Бибиона» маҳалласи раиси.

Жорий йилда «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида 641 метр ички йўллари асфальтлашга эришдик, 1041 метр масофадаги йўллар шағаллаштирилди. Бундан ташқари, маҳаллада яшовчи ёш спортчи Маҳлиё Раҳмонова «Беш ташаббус» спорт мусобақасида ғолиб бўлгани учун маҳалламизга кичик спорт майдончаси қуриб берилди.

Худудимизда 2 945 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уз навбатда уларнинг бандлигини таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш борасида яхши натижаларга эришяпмиз. Масалан, шу йил баҳордаги охириги



хатловда 83 нафар ишсиз аниқланган эди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 23 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойланди. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан бир нафарига субсидия, 11 нафарига кредит олишга кўмаклашилди. Уларнинг барчаси ўзини ўзи банд қилди. Жами 33 та тадбиркорлик субъекти бор бўлиб, унда 200 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Хатловда аниқланган кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратяпмиз. Масалан, маҳалладошимиз Ибрагим Солиевга сектор кўмаги ва ҳомийлик асосида 2 хонали яшаш хонадонини қуриб берилди.

«Mahalla» газетасида аксари-

ят маҳалла раислари билдирган таклифларни кузатиб боряпман. Гарчи, кўп бора сўралган бўлса-да, яна бир бор маҳаллага ёрдамчи штат зарурлигини таъкидлаб ўтаман.

Бундан ташқари, инфратузилма билан боғлиқ яна қатор муаммоларимизга ечим топиш ҳаракатидамиз. Жумладан, туман ҳокимлигига 1,5 км. ички кўчаларимизни асфальтлаш таклифини киритганмиз. Туман электр тармоқлари корхонасига эса 6 дона трансформаторга эҳтиёжмиз борлигини, 75 та симёғочлар алмаштирилиши лозимлигини ёзма маълум қилганмиз. Аммо ҳозирча муносабат билдирилмади. Агар бу ишлар бажарилмаса, қишда яна электр муаммосидан азият чекамиз.

БИЛАСИЗМИ?

Солиқ мажбурияти
бўйича даъво
қилиш муддати
5 йилдан 3 йилга
туширилади

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, камерал солиқ текширувини ўтказишда қуйдагилар тақиқланади:

- ✎ солиқ тўловчининг худудига кириш;
- ✎ солиқ тўловчининг худудини ва биноларини кўздан кечириш;
- ✎ солиқ тўловчининг ҳужжатларини талаб қилиб олиш ва уни қақиртириш;
- ✎ солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш.

2024 йил 1 январдан: иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида кўрилатган ишлар маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилади; солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 5 йилдан 3 йилга туширилади.

аҳоли ва тадбиркорларга ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, мазкур кредитлар бўйича фоизлар неустойка ҳисобланиши тўхтатилади; тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни биринчи навбатда мутаносиб равишда муддати ўтган асосий қарз ва фоиз қарздорликларини, иккинчи навбатда жорий тўлов учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда неустойка ва ижро харажатларини қўллашга йўналтириш тартиби ўрнатилади.



Раис ваколоти амалда бўлиши учун нима қилмоқ керак?

Фуқаролар йиғини раиси гоҳ далада ўтоқ, чопик, чилпиш билан, гоҳ пиллау тутзор муаммолари, гоҳ ғалла ташвиши билан югургилаган, гоҳ мажлисбозликда залларни тўлдиришда ҳозир нозир бўлиб, кунига 10 марталаб ҳокимликка чопган вақтларни кўрдик. Ҳеч ким маҳалла ўз ишига қачон вақт топади, деб қизикмас эди. Бугун-чи, вазият ўзгардими? Албатта, юқоридаги каби аксарият муаммоларга барҳам берилди, маҳалла ходимлари бугун ўз юмушлари билан банд.

Баҳромбой ҚОДИРОВ,
Амударё туманидаги
Қиличбой овул фуқаролар
йиғини раиси.

Овулимиз Туркменистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган, туман марказига қадар 18 километр ташкил этади. Аҳоли сони 5 680 нафар, улар, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Амударёнинг куйи қисмидан сув келиши тўғрисида ҳудудимизда деҳқончилик учун имкониятлар катта. Бундан, албатта, одамларимиз унумли фойдаланади. Томорқасида, даласида турли маҳсулотлар етиштириб, нафақат ўзимизни, балки кўшни маҳаллалар, туманларни ҳам таъминлаб келмоқда.

Ободлик, ҳудуд инфратузилмаси ҳақида сўз кетганда, овулимиз 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастурига киритилган. Дастур доирасида йиғинимизда 11 километр ички йўлларимиз шағаллаштирилди, иккита мактаб қуриб берилди, маданият маркази, поликлиника таъмирдан чиқарилди. Кўплаб уйларимиз тартибга келтирилди, электр билан боғлиқ масалалар ечим топди. Қолаверса, «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида 2,7 километр ички йўлларни асфальт қилиш бўйича киритган тақлимимиз билан ғолиб бўлди.

Биласиз, 2023 йил 15 июл-

да «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори билан ҳудуддаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига 500 миллион сўмдан маблағ ажратилган. Ҳозирда ушбу маблағдан самарали фойдаланиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаётимиз. Унга кўра, ҳудудга иккита қўшимча трансформатор, «Яшил энергия» лойиҳаси асосида йиғин биносига кўёш панеллари ўрнатиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш режалаштирилган.

Ижтимоий дафтардаги оилалар билан манзилли иш йўлга қўйилган. Мисол учун, ҳозиргача «Темир дафтар»га киритилган барча оилаларга кўмак берилди, улар дафтардан тўлиқ чиқарилди. «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»да фуқароларга кредит ва субсидия ажратилди, бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, 54 та оилага ер майдони ажратиб берилиб, деҳқончилик қилишига шароит яратилди.

2020 йилда «Обод ва хавфсиз маҳалла» танловининг республика босқичида қатнашиб, 50 миллион сўм маблағ ютиб олганмиз. Уни овулдаги камчиликларни бартараф этишга сарфладик. Жорий йилда Президент фармони асосида «Шухрат» медали ҳамда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу ютуқлар фақат ўзимга тегишли эмас, бунинг замирида барча ходимларимиз, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаган фуқарола-

римизнинг хизматлари бекиёс.

Тақлифлар масаласига келсак, йиғин биноси 2 қават, 14 та хонадан иборат. Бу ерда барча ходимлар, маслаҳатчилар, жамоатчилик комиссиялари аъзолари учун алоҳида хоналар ажратилган. Бизни қийнаётган нарса — хоналарни тозалаш, жиҳозларни озода сақлаш учун ёнимиздан пул сарфлаб, фаррош ёллаймиз. Агар маҳаллага тозалик бўйича штат ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир масала — кўп бор таъкидланаётган бўлса-да, яна айтаман: бизга иш юритувчи, ҳужжатлар билан ишловчи битта ходим керак. Ўзимиз кўпинча мурожаатлар билан кўчада бўламиз, бу вақтда ҳам йиғинга ўз муаммолари билан келувчилар топилади. Уларни рўйхатга олиш масаласи қийнаб қўймоқда. Қолаверса, йиғин ходимлари алоҳида йўналишлар бўйича ишлашади, ҳар бирига алоҳида мурожаатлар келиб тушади. Гоҳида раис сифатида бундан беҳабар қоламан. Шу боис иш юритувчи — қайси ходимга қандай мурожаат келди, улар бўлмаган вақтда кимлар йиғинга келиб кетяпти, буларни мувофиқлаштирувчига эҳтиёж катта.

Кейинги тақлимим — мен ўзим раис сифатида ўзини ўзи бошқариш органи вакилиман, қолганлар — ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори эса давлат органлари ходимлари саналади. Улар топшириқни юқори турувчи ташкилотидан олиб, ижроси бўйича ҳам уларга ҳисобот беради. Ўртада биз беҳабар қолиб кетяпмиз. Қолаверса, бизга ойлик маош ҳар ташкилотдан тўланади. Имкони бўлса, йиғинга келаётган ҳар қандай топшириқ раис орқали берилса, барчамизга ойлик бир ташкилотдан тўланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда раисга берилган ваколат қоғозда эмас, амалда ишлар эди.

ЭЪТИРОФ

«Ибратли оила» кўкрак нишони кимларга берилади?

Ҳукуматнинг 2023 йил 2 сентябрдаги тегишли қарори билан «Ибратли оила» кўкрак нишони тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, ушбу кўкрак нишони билан фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган намунали оилалар тақдирланади. Шунингдек, у билан мамлакатимизда истиқомат қилаётган ибратли оила вакиллари — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Ҳар йили 1 мартгача Хотин-қизлар фаоллари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид тақлифлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин. Ҳар йили 15 мартгача номзод оилалар ҳар томонлама ўрганилиб, 15 апрелгача энг муносиблари бўйича якуний ҳулоса қабул қилинади.

Номзод оилалар танланаётганда, жумладан, куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- оилада ва жамоат жойларида кутубхоналар ташкил этган;
- оила аъзолари илмий, зиёли бўлган, шунингдек, илмий даражага эга бўлган;
- ота-онаси қарамодидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка, ҳомийликка олган;

• оилавий спорт билан шуғулланиб, республика ва халқаро даражада ютуқларга эришган;

• оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшаётган.

Кўкрак нишони билан мукофотланган оилалар 15 май — Халқаро оилалар кунини байрами арафасида тантанали тақдирланади. Бунда мўтабар аёл зотини улуғлаш ва эъзолаш мақсадида кўкрак нишони, қоида тариқасида, уй бекаси бўлган аёл киши номига расмийлаштириб берилади.

Тақдирланган ибратли оилаларга БҲМнинг 4 баравари (ҳозирда 1 миллион 320 минг сўм) миқдорда бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

Кўкрак нишони билан тақдирланган оилалар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойларнинг кириш қисмига «Ибратли оила» белгиси ўрнатилади.

Бир оила кўкрак нишони билан бир марта тақдирланади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур кўкрак нишони Президентнинг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан таъсис этилган.



БИЛАСИЗМИ?

Контракт тўлови миқдорлари оширилмайди

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маълум қилишича, 2023/2024 ўқув йили учун барча босқичдаги талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдори оширилмайди. Бунда давлат олий таълим муассасалари, жумладан, молиявий мустақиллик берилган ОТМларда ҳам базавий тўлов-контракт қиймати 2022/2023-ўқув йили учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолинади.

Шунингдек, 2023/2024 ўқув йили табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорлари ўтган ўқув йили учун белгиланган миқдорларда ўзгаришсиз қолади.

2023/2024 ўқув йили қабулда тўплаган баллари тасдиқланган қабул параметрлари чегарасига етмаган, лекин табақалаштирилган тўлов-контракт асосида тахсил олиш истагини билдирган абитуриентларга, истисно тарақасида

янги ўқув йили бошланишидан шартномалар расмийлаштиришга, шунингдек бир йиллик ўқитиш қийматининг 50 фоизини тўлаганларни талабалар сафига қабул қилишга рухсат берилди.

Тасдиқланган табақалаштирилган тўлов-контракт қийматини 2023 йил 15 октябрдан тўлиқ тўлаган абитуриентлар учун 10 фоиз миқдорда чегирма берилади.

БУНЁДКОРЛИК

Бухорода ўндан зиёд маҳаллалар янги биноли бўлди

Бугун маҳалла биноларини қуриш, мавжудларини мукамал таъмирлаш ишлари барча ҳудудларда кенг қулоч ёйган. Тўғри-да, ўз муаммоси билан маҳалла идорасига келган киши бу масканнинг хароб, таъмир-талаб, кўмакка муҳтожлигини кўрса, дардини бемалол айта оладими?



Маҳалла ходимлари ўз муаммосини ҳал қила олмаётган бир шароитда фуқароларга қандай ёрдам беради? Бу шароитда уларга кимдир ишонадими? Шу боис, энг аввало, одамларга кўмак берувчи, уларга таянч ва суянч бўлаётган маҳалланинг шароити намунали бўлиши керак.

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги маҳаллалар маъмурий биноларини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда «Сайёд», «Мироб», «Солур», «Дўрман», «Дарғабоғи», «Жиғачи», «Қорақўл» «Вахим», «Мустақиллик», «Човли» каби ўндан зиёд маҳаллалар бутунлай янги ҳаётга андозада қуриб, фойдаланишга топширилган биноларига эга бўлишди. Бу

маҳаллалар ходимлари шу кунга қадар ўз биносига эга бўлмаган, турли иншоотларда ижара асосида фаолият юритиб келаётган эди.

— Ёчили, Навбахор, Гулистон, Човли, Қирққалъа каби бешта қишлоқдан таркиб топган маҳалламизда бугун 822 та хонадон, 1 233 та оила ва уларда жами 4 400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди «Човли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муроджон Бехбудов. — Шу кунгача собиқ қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи биносидан жой олиб, мослаштирилган шароитда бир амаллаб ишлаб келаётган эдик. Ҳукуматимизга, туман ҳокимлигига раҳмат, ўтган йил кузидан фойдаланилмаётган ердан 12 сотих

ер майдони айнан маҳалла идораси учун ажратиб берилди. Унинг қурилиши учун 240 миллион сўм молиялаштирилди. Тажрибали бинокор Аброр Бақоев бошчилигидаги «Қорақўл монтаж декор» МЧЖ жамоаси бизга пишиқ ғишдан янги шинам бинони қуриб топширди. Бу бинода масъуллар учун 7 та хона бўлиб, барчаси жиҳозланди.

Худди шундай, «Мустақиллик» маҳалласи раиси ва ёрдамчилари шу кунгача касб-хунар коллежида, профилактика инспектори эса 54-сон оилавий поликлиниканинг бир хонасида аранг иш юритиб келишган. Ниҳоят, маҳалла обод қилиниб, бир йилда иккита иншоот, яъни Манзилобод-1 қишлоғида 120 нафар болажонни ўз бағрига олган

35-сонли, Манзилобод-2 қишлоғида 65 нафар жажжи ўғил-қиз қатновига мўлжалланган 37-сонли мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди. Шу баҳонада ўтган йили маҳалла марказидан 3 сотих ер майдони ажратилиб, йиғин идораси учун туман бюджетидан 220 миллион сўм сармоя сарфланадиган бўлди. Мана, кунги кеча йиғин фаоллари замонавий шинам бинога эга бўлди.

«Вахим» маҳалла маъмурияти шу кунга қадар худуддаги 45-сонли умумтаълим мактаби биносига ижарада ишлаб келган. Ниҳоят, маҳалла фаолияти долзарб аҳамиятга эга бўлган бир даврда 3 сотихча келадиган ер майдони

танланиб, бир неча ойда маҳалла учун алоҳида бино қуриб берилгани аниқ мудоа бўлди. Пудратчи «Элбек Шойиқулов» МЧЖ жамоаси барпо қилган шинам идора иншооти учун маҳаллий бюджетдан 280 миллион сўм маблағ сарфланган.

Мазкур маҳалла идоралари маъмурий бинолари улардаги масъулларга мос 7 тадан иш хонасига эга бўлиб, ҳар бири 3 тадан кондиционер ва бошқа зарур мебель ва компьютер воситалари билан жиҳозланган. Замонавий андозадаги биноларни фойдаланишга топшириш маросимида туман ва секторлар раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлди. Маҳалланинг бугунги аҳамияти, иншоотлардаги ўрни ҳақида сўз борди.

Умуман олганда, 2023 йилги Давлат дастурига мувофиқ, Маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқиши белгиланган. Бунда хизмат биносига муаммоси бўлган 2 327 та маҳалла учун хизмат биноларини қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш, шунингдек, биноларни қуришда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар бўлишига эътибор қаратиш назарда тутилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Умиджон АВАЗОВ, Қорақўл туманидаги «Чандиробод» маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд оила вакилларида бири даволанишга муҳтож. Унинг тиббий маълумотномаси, ногиронлик рўйхатида турувчи ҳужжатлари бор. Бу ҳолатда унга қандай ёрдам кўрсатамиз?

Хуршида АСРОРОВА,

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Оила институти ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси:

— «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати аниқланганда, уларнинг саломатлиги худудий бирламчи тиббий-санитария муассасасидан шифокор жалб қилинган ҳолда баҳоланади. Шу орқали стационар ёки амбулатор даволаниш масаласи ҳал этилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирмайдиган, аммо бирламчи тиббий-санитария муассасаси томонидан вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим, деб топилган «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган фарзандларининг даволаниши билан боғлиқ харажатлар, секторлар раҳбарлари хулосасига асосан, «Аёллар дафтари» жамғармаси ва Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилди. Қолаверса, улар белгиланган тартибда электрон навбатга қўйилади.

«Маҳалладошимиз даволанмоқчи, қандай ёрдам кўрсатамиз?»



Агар уларга даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари «Аёллар дафтари» жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди. Бунда дори-дармон олиб бериш учун БХМнинг 20 бараваригача, мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БХМнинг 100 бараваригача миқдордаги харажатлар «Аёллар дафтари» жамғармаси

ҳисобидан тўлаб берилди.

Қолаверса, «Аёллар дафтари»га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг, шунингдек, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа худудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатлари секторлар раҳбарлари хулосасига асосан, «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди.

БИЛАСИЗМИ?

Ёлғиз шахсларга компенсация берилди

Ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилган.

Бунда ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорида (156 минг 150 сўм) тўланади.

Шунингдек, ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи (347 минг сўм) миқдорида қўшимча тўлов белгиланган.

Бунда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинлаган ташкилот орқали молиялаштирилади.

Компенсация тўлови, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади.

САРҲИСОБ

Маҳалламизда 4 051 нафар аҳоли яшайди. Қувонарлиси, барча ҳудуд муаммолари ҳамжиҳатликда, бамаънафъ ҳал этилади. Кейинги пайтда, айниқса, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси татбиқ этилиши натижасида одамларимизда ўз хонадони, кўчаси, маҳалласи тараққиёти, ривожланишига дахлдорлик ҳисси ошди. Улар биргаллашиб, катта кучга айлана олишларига ўз тақдирлари мисолида амин бўлмоқда.

Иззатилла ТОШПЎЛТОВ,
Боғдод тумандаги
«Қароқчитол» маҳалласи раиси.

Инфратузилма билан боғлиқ масалалар «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали ечилмоқда. Масалан, ушбу лойиҳанинг 2023 йил 1-мавсумида иштирок этиб, ғолиб бўлдик. Президентнинг «Ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти» янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига биноан, ғолиб деб топилган таклифлар қаторидан маҳалламизнинг 3 минг метрдан зиёд ички хўжалик йўллари асфальтлаш лойиҳаси ҳам ўрин олди. Кўчаларимизга асфальтлаш ишларини «Фар кўркем водий» масъулияти чекланган жамияти йўлсозлари амалга оширди.

Бундан ташқари, Президент-



«Ўзгаришларда дахлдорлик ҳисси устувор»

нинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори асосида 30 км. йўл, «Ташаббусли бюджет»да ғолиб чиққан лойиҳалар бўйича Муҳташам, Баркамол ва Файзли кўчаларининг жами 12 км. узунликдаги ички йўллари тўлиқ асфальтланди. Биргина

«Ташаббусли бюджет»нинг жорий йилги 1-мавсумида давлат бюджетидан 1 млрд. 200 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Жорий йил яна бир қанча хайрли ишларга бош қўшдик. «Бешлик» ходимлари ўз ҳисобимиздан 12-мактаб атрофини қўрғонладик. Бунинг учун 18 миллион сўм маблағ сарфланди. 46-МТТни ҳашар

йўли ва ҳомийлар кўмагида таъмирладик. Худудда юз бераётган бундай ўзгаришлардан ёшу қари бирдек миннатдор.

Худудимизда фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш мақсадида ўтказилган хатловда 62 нафар ишсиз аниқланганди. Улардан 20 нафари турли корхоналарга ишга жойланган бўлса, 42 нафари-

га кредит ва субсидия ажратилди. Улар ўзини ўзи банд қилди.

Асосий «драйвер»имиз – тадбиркорлик ва хунармандчилик ҳисобланади. Аҳоли супурги ишлаб чиқариш ҳамда мебелсозлик билан шуғулланади. Худудда 60 нафарга яқин тадбиркорлик субъекти бор. Уларда 200 нафарга яқин иш ўрни яратилган.

ҲОЛАТ

«Ер бўлса, қуриш учун маблағдан муаммо йўқ»

Кўча ва маҳаллалардаги ўзгаришлар сабабли шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб, обод бўлиб борапти. Жумладан, бизнинг маҳалламиз 2022 йилда «Обод маҳалла» дастури асосида гўзал қиёфага кирди. Ижтимоий соҳа инфратузилмаси ва ички йўллари яхшилаш, пиёдалар йўлакларини қуриш, ичимлик сув, газ ва электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш борасидаги ишлардан аҳоли жуда мамнун.

Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Янгиер шаҳридаги
«Шодиёна» маҳалласи раиси.

Икки километр масофадаги ички йўллар сифатли таъмирланиб, 1 070 метр масофада пиёдалар йўлаги қурилди. Бунинг учун 333 миллион сўм маблағ сарфланди. Ичимлик сув муаммосини ҳал этиш учун бир дона 25 кубометр сигимли сув минораси, сувни зарарсизлантириш ва сув ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш, ичимлик сув қудуғини тозалаш, сув тортиш учун насос жамланмаси ўрнатиш учун жами 345 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу ишларни «Янгиер қурилиш» МЧЖ қурувчилари амалга оширди.

Мажнунтол, Даштобод ва Нарвон кўчаларида салкам 3 километр масофадаги газ қувурлари, устунлари тартибга келтирилиб бўёқланди. Бундан ташқари, маҳалладаги 10-умумий ўрта таълим мактабида реконструкция ишлари амалга оширилди. Бунинг учун мазкур билим даргоҳида кўшимча бинолар қурилди. Ушбу бунёдкорлик ишларига 649 мил-



лион сўм маблағ ажратилди.

Маҳалламизга келган кишининг обод ва кўркем турар-жойлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини кўриб кўзи қувнайди. Яна бир муҳим жиҳати, маҳалла аҳолиси ўзгаришларга мос равишда ўз уй-жойларини саранжом-саришта, озода ва кўркем тутишга ҳаракат қилмоқда. Буни «Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» дастури бўйича Тотувлик кўчасини

ободонлаштирилгани мисолида кўриш мумкин. Шу кўчанинг 4/2 хонадони намунали хонадон сифатида ташкил этилди. Мажнунтол кўчасини жорий йил охиригача асфальтлаш бўйича лойиҳа тайёрланди.

Замонавий улубдаги намунавий чиқиндихона ташкил этиляпти. Кўчаларимизга 14 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Фазогир кўчасида жойлашган 8 та кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаги таъмирланяпти. Педагогика коллежи биносининг фасад қисми янгича қиёфага кирди. 2 та болалар майдончаси реконструкция қилинди. Худудимизда ёшлар учун бепул IT ўқув маркази очилди. Деярли ишсизлар йўқ. Уларнинг аксари «Экофут» МЧЖ иссиқхонасида ишлайди. Бу ерда 200 нафарга яқин иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, оилалар тинчлигини таъминлаш, ажримларнинг олдини олишга катта эътибор беряпмиз. Жорий йилда 6 та оилани яраштирдик, 2 та оила ажрашининг олди олинди.

3 087 нафар аҳолимизнинг 50 фоизи 27 та кўп қаватли уйларда яшайди. Бу уйларда тинчликни таъминлаш учун уйбоши ва кўчабошилар тайинланганмиз. Таклифим – ана шу кўчабошиларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак.

Яна бир таклифим – худудимизда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун бино қуришга ер ажратиб берилиши зарур. Бу бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф берганмиз. Натижасини кутяпмиз. Ер ажратилса, қурилиш учун зарур маблағ бор. Аҳоли ташаббуси билан ҳозирнинг ўзида 70 миллион сўм йиғилган.

БИЛАСИЗМИ?

Етим болаларга квартиралар қандай тартибда берилади?

Қонунчиликка кўра, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартиралар уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилиши белгиланган.

Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг 3-қаватигача ажратилади.

Уй-жойлар мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ 30 ёшга тўлгунгача уни сотиш ҳуқуқисиз берилади.

Пенсияни мерос тариқасида олиш мумкинми?

Қонунчиликка (<https://lex.uz/docs/390573>) кўра, фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини давлат пенсиясига бўлган ҳуқуқ (умумий асосда аёллар 55 ёшга, эркеклар 60 ёшга тўлганда) юзага келган тақдирда олишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон худудидан ташқарига доимий яшашга чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

САРҲИСОБ

«Ҳамма бир оиладек аҳил, иноқ яшайди»

Маҳалламиз номига муносиб тарзда ўндан зиёд турли миллат ва элат вакилларига эга. Кўп қаватли уйлардаги 1 749 та хонадонда 3 126 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларда ўзбеклардан ташқари, қирғиз, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, уйғур, рус, корейс, озар, татар сингари миллатга мансуб фуқаролар бир оиладек, ўзаро аҳил ва тотувликда яшайди.

Ғофур САМИЕВ, Давлатобод туманидаги «Халқлар дўстлиги» маҳалласи раиси.

Ўтган йили «Обод маҳалла» дастури доирасида ҳудудда кенг қамровли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, 34-сонли мактабгача таълим ташкилоти мукамал таъмирланди. Шунингдек, «Халқлар дўстлиги» ва «Гулобод» маҳаллаларини боғловчи Шимолий Фарғона канали устидан ўтувчи кўприк янгидан қурилди. Ушбу кўприк узоқ йиллар фақат пиёдаларга хизмат кўрсатган ва автомобиллар қатнови учун яроқсиз ҳолатда эди. Мазкур кўприкнинг очилиши одамлар узоғини яқин, мушқулини осон қилиш асносида, Қўқумбой шох кўчасидаги сервислар учун хизмат кўрсатиш суръатини ҳам оширди.

Дастур ижросида кўча ва йўллар инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ғалаба кўчасининг 5 км. ичимлик сув тармоғи янгиланди. Давлатобод тумани электр таъминоти қорхонаси томонидан 4,2 км. янги замонавий электр тармоқ қурилиб, 18 та бетон

таянчлар ўрнатилди. 43 та ёритиш чироклари қўйилди. Ички кўчаларнинг 2,28 км. қисми асфальтланди, 1,8 км. йўл бетонланди. 28 та кўп қаватли уй таъмирланди. Ҳудудда жойлашган Давлатобод тумани иссиқлик тизими модернизация ва реконструкция қилиниб, Хитой давлатидан иситиш қозонлари келтирилди. Эътиборлиси, мазкур «РК-2» қозонхонаси нафақат «Халқлар дўстлиги» маҳалласи, балки «Умид», «Янги Тонг» ва «Давлатобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган 200 га яқин кўп қаватли уй, 8 752 та хонадон, 26 136 нафар аҳоли ҳамда 14 та ижтимоий соҳа объектини қамраб олиши билан аҳамиятлидир.

Маҳалладаги ободонлаштириш ишлари фақат дастур ижроси доирасида тўхтаб қолмади. Жорий йил ҳам кўп қаватли уйлар олдининг 900 метри қисми бетонланди. Маҳалламиз ўз биносига эга бўлди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида янги маҳалла идораси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 29-МТга кўшимча бино қуриляпти.

Келгусида яна 9,1 км. масо-



фадаги ички кўчаларимизни асфальтлаш режада бор. Бу билан Ғалаба ва Тўқувчилар кўчалари янги қиёфага киради. Шунингдек, ҳудудимизда спорт ўйингоҳи ва тадбирлар ўтказадиган бино қурмоқчимиз. Бу ишларни «Ташаббусли бюджет» орқали амалга оширмоқчимиз.

Қолаверса, аҳоли бандлигини

таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида ички имкониятларни ҳисобга олиб, таклифлар ишлаб чиқдик. Жумладан, асосий «драйвер»имиз тадбиркорлик бўлгани учун кўп қаватли уйлар олдидаги бўш ер майдонларидан унумли фойдаланишни режалаштиряпмиз. Ҳар бир уй олдида аҳоли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши

учун режа тузганмиз. Бунинг учун уйма-уй юриб, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси ҳамкорлигида тарғибот олиб бордик. Хоҳловчиларга кредит ва субсидиялар ажратишга тавсия беришни тушунтирдик. Агар мана шу лойиҳамиз амалга ошса, 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

ОБОДЛИК

«Узоқ йиллик муаммолар қисқа вақтда барҳам топди»



Маҳалламизда жами 599 та хонадон бўлиб, 3 280 нафар киши яшайди. 2022 йил бошида оғир ҳудуд сифатида белгилангани учун вилоят ҳокими ташаббуси билан маҳалламиз обод масканга айланди. Қишлоқ аҳлининг узоқ йиллик муаммолари ҳал бўлди. Бу ишлар учун вилоят бюджети ҳисобидан 3 миллиард сўм йўналтирилди.

Нарзулло БОБОЕВ, Бекобод туманидаги «Ёшлик-2» маҳалласи раиси.

Бунда жами 2 550 метр йўллар асфальтланди. Интизор кўчасининг 1,5 км. қисми шағалланди. 1 миллиард сўм маблағ ҳисобига 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. 500 ўринли 35-умумтаълим мактаб иссиқхонаси «Ташаббусли бюджет» орқали 450 миллион сўм ҳисобидан қайта таъмирланди. Шунингдек, 5 минг китоб фондига эга замонавий кутубхона ташкил қилинди. Инфратузилма яхшиланиб, маҳалла гузари, гўзаллик салони, оталар чойхонаси, гўшт дўкони, сартарош-

хона, этикдўз устахонаси, ветеринария, озиқ-овқат дўконлари, болалар ўйингоҳи, work-out майдончаси, стадион, саломатлик йўлаги барпо этилди.

Барча хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилди, 6 км. йўллар асфальтланди. 10 та хонадон томи ёпиб берилди, 15 та хонадонга 10 дондан шифер тарқатилди. Гулғунча, Ибрат, Улуғвор кўчаларининг 4,5 км. масофаси бетонланди. 4 та «Темир дафтар»даги эҳтиёжманд оилалар хонадонига қуёш панели ўрнатилди. Ишсизликни олдини олиш мақсадида 4 йўналиш бўйича қисқа ўқув маркази ташкил этилди. Тадбиркор Адолат Мирзакулов тикувчилик цехи очиб, фаолият бошлади. Гулғунча кўчасида 230 метрга бетон устунлар ўр-

натилиб, электр кабеллар тортилди.

Жорий йил «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида 300 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортиляпти. Фермерлар ҳомийлигида маҳалла қабристонининг 150 метр йўлли шағалланиб, атрофи девор билан тўсилди. 52-мактаб таъмири учун 4 миллион сўм ҳомийлик қилинди. Эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга 3,5 тонна бугдой тарқатилди.

«Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган ёшлардан 200 нафари, «Аёллар дафтари»дагиларнинг 4 нафарига 0,20 гектардан ер ажратилди. 12 та оилага 400 миллион сўм кредит ҳисобига қўй ва эчкилар тарқатилди. Яна шунча оилага 300 миллион сўм кредит эвазига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Маҳалладаги 4 та оилага енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараварига субсидия ажратилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури асосида маҳаллада яшовчи ишсиз фуқаролардан 5 нафарига қўйчилик билан шуғулланиши учун 30-32 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилиб, уларнинг ўз фаолиятини бошлашига кўмаклашилди.

Қувонарлиси, бу ишларда одамлар қузатувчи эмас, иштирокчига айланмоқда. Кўп муаммоларни ҳал этишда бирлашишга ўргандик. Масалан, ҳашар йўли билан жами 7,6 километр тупроқ кўчага шағал ётқизилди. 2 800 квадрат метр девор оқланиб, 32 тонна маиший чиқинди олиб чиқилди. 7 километр ички ариқ тозаланди, 1 900 тадан ортиқ дарахт оқланди, 2 520 дона арча кўчати экилди, 15 дона тунги ёритиш чироғи ўрнатилди.

БИЛАСИЗМИ?

Қандай турдаги товарларнинг кўчма савдоси тақиқланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳамда савдо автомати орқали чакана савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, қўйидаги маҳсулотларни кўчма савдоси тақиқланган:

- техник жиҳатдан мураккаб маиший маҳсулотлар;
- тез бузиладиган товарлар (советик ёки музлаткич билан жиҳозланган ҳоллар бундан мустасно);
- енгил алангаланувчи ва ёнғичи суюқликлар;
- болалар озиқ-овқат маҳсулотлари;
- ҳайвонлар, термик ишлов берилмаган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар, ветеринария дори воситалари, микро-организмлар штамплари, озиқалар ва озукабоб қўшимчалар;
- акциз солинадиган товарлар, шу жумладан, спиртли ичимликлар;
- ҳашаротлар ва зараркундаларни заҳарлашда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва заҳарлар;
- диний мазмундаги материаллар;
- қонунчилик ҳужжатлари билан кўчма савдо объектлари орқали сотилиши тақиқланган товарлар.

МАНЗАРА

«Тарбия соғлом бўлса, оилалар ажрашмайди»

Президент ташаббуси билан жорий этилган маҳалла «бешлиги» — ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори билан биргаликда аҳоли муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш чораларини кўриб келяпмиз.

Ойбек ТОЖИМУРАТОВ,
Хўжайли туманидаги
«Байтерек» маҳалласи раиси.

Аҳоли бандлигини таъминлашда кредит ва субсидиялар кўл келмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда 2 миллиард 384 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бунда 46 нафар фуқаронинг мурожаати бўйича уларга 446,5 миллион сўм, 37 нафар фуқарога уй шароитида бандлигини таъминлаши учун 185 миллион сўм, яна 8 нафарига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун 261,5 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари берилди. Хусусан, маҳалламиздан С.Алланязова, Д.Юсупов, К.Комеков, Г.Ешжанба-



ева, А.Маткаримов, А.Ешнязов, Д.Реймбаев, Д.Султанов ва У.Калбаевлар ушбу маблағлар ҳисобидан ўзини ўзи банд қилди. Йил бошида ижтимоий ҳиммага муҳтож 113 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилганди. Бугунги кунда улардан 50 нафари ишсиз хотин-қизлар тоифасига

олиниб, 23 нафари касб-хунарга ўқитилди, 2 нафари кредит олиб, ўз бизнесини бошлади. Айримларининг мавсумий ишлар орқали бандлиги таъминланди. Қолаверса, тадбиркорлик истагидаги 13 нафар аёлга имтиёзли кредитлар берилди, 7 нафарига БХМнинг 4 баравари миқдорига бир марта-



лик ёрдам пуллари ажратилди. Уй-жойи бўлмаган 5 нафар аёлга ижара пуллари, 2 нафарига операция харажатлари қоплаб берилди.

Хатлов жараёнида маҳалламизда 14-30 ёшдаги йигит-қизлар сони 964 нафарни ташкил этиши аниқланди. Улар билан манзилли ишлашни йўлга қўйганмиз, керакли шароитлар яратиб берилди. Улар ҳам бунга жавобан «Беш ташаббус олимпиадаси»да спортнинг стритбол, киберспорт

ва стритворкаут турлари бўйича туман босқичида биринчи ўринни эгаллаб, Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди. Ўз навбатида ёшларимиз киберспорт ва стритворкаут бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионлигини қўлга киритди.

Маҳалламиз кўп миллатли аҳолидан иборат. Улар оғизбирчиликда бир-бири билан борди-келди қилиб, тотув яшамоқда. Фуқаролар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида уйма-уй кириб, таълим масканларида ёш авлод билан учрашиб, турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда биронта жиноят содир этилмади. Бунда, албатта, миллатлараро тотувликни, оиладаги тинчликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган овул ва кўча бийларининг (кўчабошиларнинг) хизматлари бекиёс.

Тақлифлар масаласига келсак, маҳалла раисларининг асосий шуғулланадиган вазифаларидан бири — оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳисобланади. Тўғриси, буни шарафли иш, деб биламан. Шукрки, кейинги йилларда ҳудудимизда бирорта ажралиш қайд этилгани йўқ. Барча оилаларимиз аҳил-иноқ яшаб келишадди.

Кўпинча ажралишларга урф-одатлар, қайнонанинг келинга солиқ солиши, кўёвнинг эса келин томондан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота уйига «гап ташиши», телефон, ёшларнинг нафикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса «хўп»дан йироқлиги, тарбиядан беҳабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Демак, ҳамма гап барибир ёшларнинг оила ҳақида тасавури ва унинг атрофидаги масалаларга бориб тақалади. Қалавининг учини ёнқи давлат ташкилотларининг, ота-онанинг қўлига тутқазиб қўйиш эмас, чигалликни ҳамжиҳатликда ечишга уриниш керак. Турмуш кўрган эр-хотин ҳам ўзларини ҳар томонлама таъминлаш масаласида мулоҳаза юрита олишда мустақилликка эга бўлиши, нафақат ўзининг шахсий қизиқишлари, балки фарзандининг тақдири борасида ҳам масъулиятни ҳис этиши лозим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Эрниёз КАРМИМОВ, Денов туманидаги «Ободон» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда истиқомат қилувчи фуқаро таълим ташкилотидида 2019 йилдан буён 1 ставка логопед ўқитувчи, 0,5 ставка психолог вазифасида ишлаб келади. Ҳар йили июнь ойида иккала лавозим учун ҳам меҳнат таътили берилган. Бироқ бу йил 0,5 ставка психолог учун таътил пули тўланмабди. Айтингни, бир ташкилотда икки лавозимда ишлайдиганлар ўриндош саналадимиз? Агар шундай бўлса, таътил битта штат бирлиги учун бериладими?

Ўриндошларга таътил пули тўланмайдими?

Ирода ҚАХҲОРОВА, ҳуқуқшунос:

— Юқоридаги ҳолат кўпчиликда учрайди. Бунда энг асосий урғу «мен ўриндош эмасман» жумласига қаратиляпти. Мазкур ҳолатда маҳалладошингиз ўриндош саналади. Лекин бу унга таътил бермаслик учун асос бўлмаслиги керак. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 432-моддасида ходим ўзининг асосий ишидан ташқари алоҳида меҳнат шартномаси шартлари бўйича асосий ишидан бўш вақтида бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажариши ўриндошлик асосида ишлаш саналиши белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандида ходим ўзининг асосий ишни бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ

тўланадиган ишни бажариши ўриндошлик асосида ишлаш экани кўрсатилган.

Юқоридаги қоидаларнинг мазмунига кўра, ходим асосий меҳнат шартномаси асосида лавозим мажбуриятларини бажаришдан ташқари бошқа ишни бажариши ўриндошлик саналади. Юқоридаги Низом бўйича ўриндошлик ички ва ташқига бўлинади. Бир ташкилотда икки лавозимда ишлаш, бу — ички ўриндошлик ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 439-моддасига мувофиқ, ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга йиллик асосий таътиллари, шунингдек, ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча меҳнат таътиллари асосий иш жойидаги йиллик меҳнат таътили билан бир вақтда берилди.

Шундай экан, маҳалладошингизга ўриндошликдаги лавозимидан ҳам меҳнат таътили берилиши шарт.

БИЛАСИЗМИ?

Наслчилик хўжалиги мақоми қандай берилди?

Хукуматнинг 2023 йил 5 сентябрдаги тегишли қарори билан «Наслчилик хўжалиги мақоми бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти» тасдиқланди.

Регламентга кўра, наслчилик хўжалиги мақоми талабгорнинг мурожаатида кўрсатилган муайян тоифага мансуб зотдаги чорва ҳайвонлари (ёввой ва хонаки ҳайвонлар, шунингдек, паррандалар, баллиқлар, муайян ҳайвонлар ҳамда асаларилар) турига ёки фаолият йўналишига қараб берилди.

Талабгор ёки унинг вакили давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади ёки ЯИДХП (my.gov.uz) да рўйхатдан ўтади.

Сўровнома тўлдирилиб, унга қуйидагилар илова қилинади:

- *наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги, генотипид хўжалиги мақоми олишга талабгорлар учун — сўнги 3 йилда ўтказилган насли маҳсулотлар (материаллар) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномалар нусхаси;*
- *наслдор чорва ҳайвонларининг идентификация қилинганлиги тўғрисидаги маълумот;*
- *тегишли чорва ҳайвонлари турлари бўйича наслчилик хўжалиги мақоми олиш учун минимал талабларга мувофиқлиги бўйича талабгор томонидан тасдиқланган маълумотлар.*

Давлат хизмати кўрсатилган учун БХМнинг 2 баравари (660 минг сўм) миқдорига йиғим ундирилади. ЯИДХП орқали мурожаат этилганда мазкур миқдор 594 минг сўмни ташкил этади.

Ваколатли орган сўровномадаги маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш учун 10 иш кунини ичида жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Шунингдек, ўрганиш вақтида туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлиmlари орқали талабгорнинг эпизоотик барқарорлиги, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари ҳам ўрганилади.

Наслчилик хўжалиги мақоми берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома 5 йил муддатга берилди. Гувоҳнома олган шахс уни бошқа шахсга фойдаланиш учун бериши мумкин эмас.



«Ҳамма меҳнат билан банд, бекорчи одамлар йўқ»

Маҳалламиздаги Мустақиллик шоҳ кўчасидан ўтган сув тармоғи эскириб кетганига анча йиллар бўлганди. Асфальт қилинган йўлнинг деярли ўртасидан сув булоқдек қайнаб чиқарди. Жорий йилда Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мана шу муаммо ижобий ҳал бўлди.

Шухрат МУХСИМОВ,
Зангиота туманидаги
«Ахилобод» маҳалласи
раиси.

Асосий асфальт йўлга зиёни тегмайдиган жойлар, пиёдалар йўлакларидан чуқур қавлиниб, 2 километр масофага янги сув қувурлари тортилди. Пиёдалар йўлакчалари асфальтланди, аҳолининг эски сув қувурлари машмаси барҳам топди.

Қолаверса, 2-сектор раҳбари ёрдами ва аҳолининг ҳашар йўли билан Истиқлол 2-тор кўчасига шағал тўкилди. Мурожаатимизга асосан туман электр тармоқлари корхонаси 14 та темир бетон устунларини ўрнатди, трансформатор жорий таъмирланяпти. Назарбек кўчасининг 500 метр қисми ҳашар йўли билан асфальтланди. Мустақиллик 4-тор кўчасида 250 метр сув қувури алмаштирилди.

Маҳаллада туғилиб, ўсганим, бу ернинг паст-баландини яхши билганим учун йиғин раиси бўлиб иш бошлашим қийинчилик туғдирмади.

Ҳамма бир-бирини танийди. Энг муҳими, одамларимиз аҳил-инок. 660 та хонадонда яшайдиган 3 396 нафар аҳоли орасида 23 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Бугун деярли бекор юрган одамни топа олмайсиз. Ҳамма бирор-та иш билан машғул.

Ишсизликнинг барҳам топишида ҳудуддаги 59 та тадбиркорлик субъектининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Буларнинг 41 таси яқка тартибдаги, 6 таси оилавий корхона, 10 таси МЧЖ, 2 таси хусусий корхона шаклида фаолият юритади. Уларда 100 дан ортиқ иш ўрни яратилган. «Темир дафтар»да рўйхатдагилар йўқ. «Аёллар дафтари»га киритилган 4 нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилиб, бандлиги таъминланди. 83 нафарига бир марталик моддий ёрдам ажратилди, 6 нафарига имтиёзли кредит берилди. Асосий «драйвер»имиз иссиқхона бўлгани учун томорқалардан самарали фойдаланяпмиз. Помидор, булғор қалампири етиштирилади, кўчатчилик билан

шуғулланяпмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғинида «бешлик» ҳамкорлиги сабаб муаммолар тезда ҳал бўлмоқда. Барчамиз учун иш шариоитлари яратилган. Ҳар биримизнинг ўз хонамиз бор. Ҳоким ёрдамчиси Акбаржон Бутунбоевнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасида, хотин-қизлар фаоли Наргиза Юсупованинг хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш йўлида, ёшлар етакчиси Фарҳод Нурматовнинг ёшлар билан ишлашдаги ютуқлари эътирофга арзирли. Айниқса, касби ҳуқуқшунос бўлиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича иш олиб бораётган профилактика инспектори Иззатилла Убайдуллаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни хоҳлайман. Қўлга киритилаётган ютуқларимиз асосида айнан мана шу жиҳат ётибди.

Режамизда 3 километр ички кўчаларни асфальтлаш, яна 12 та симёғочни бетонлисига алмаштириш, ёритиш чироклари ўрнатиш турибди. Шунингдек, эски сув қувурларини янгилаш керак. Болалар майдончаси, министадион куриш лозим. Бу масалалардаги тақлифларимизни мутасаддилар маъқуллашган. Қолаверса, «Ташаббусли бюджет» орқали қолиб бўлишни ният қилапмиз.

ОБОДЛИК

«Ҳудуд ҳам, аҳвол ҳам оғир тоифада эди...»

Маҳалламизда 2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларни узок йиллардан бери қатор муаммолар қийнаб келаётган эди. Шу боис оғир ҳудудлар тоифасига киритилгандик. Мана ниҳоят вилоят ва туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи Халқ қабулхонаси билан биргаликда маҳаллада ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини олиб бориш, ҳудуддаги инфратузилмани яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда оғир ҳудуд тоифасидан чиқариш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди.



Дониёр ХЎЖАНОВ,
Боёв туманидаги
«Тинчлик» маҳалласи раиси.

Режага кўра, вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи 4,5 км. ички йўлларни мукамал таъмирлади, 2,5 км. ариқ ва 6,5 км. зовурларни тозаллади, эски симёғочларни янги темир-бетон устунларга алмаштирди, 4 та трансформаторни таъмирлаб, 60 та тунги ёритиш устунларини ўрнатди. Мавжуд спорт майдончасини замонавий кўринишга келтирилди. Маҳалла биносининг қурилиши якунланяпти.

Асосий «драйвер»имиз деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобланади. Бундан ташқари, фуқароларимиз томорқадан яхшигина даромад топишнинг ҳадисини олган. Кўчатчиликка ихтисослашган хонадонлар бор. Улардан бири 20 сотих томорқасида ҳар йили 100 миллион сўмдан зиёд даромад олаётган Саид Ҳамроқулов. 10 йилдан бери терак кўчати етиштиради. Ҳатто экинда хонадонда амалий семинар ўтказилди. Унда вилоят ҳокими, вилоят, туман секторлари раҳбарлари, тижорат банклари бошқарувчилари, томорқачилар, маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари иштирок этишди.

Хонадон эгаси эрта баҳорда 15 сотихга 50 минг дона теракнинг «Ўзбекистон» нави қаламчаларини

қадади ва ундан 100 миллион сўм даромад олди. Шунингдек, 5 сотихда биринчи экин сифатида помидор ва бодринг етиштириб, уларнинг ўрнига булғор қалампири ва ловия эккан. Учинчи экин сифатида эса шолғом, турп ва саримсоқпиёз етиштирди.

Саид Ҳамроқуловнинг маҳсулотларни алмашлаб экиш ва қаламчалардан терак кўчати етиштириш тажрибаси иштирокчиларда катта қизиқишга уйғотди. Вилоят ҳокими тақлифига кўра, ушбу тажриба «Боёв тажрибаси» сифатида қолган ҳудудларда ҳам татбиқ этилмоқда.

Бугун ҳудудимизда камбағалликни қисқартириш бўйича ижобий натижага эришиляпти. Жорий йил бошидаги ҳатловда 56 нафар ишсиз аниқланганди. Бугун уларнинг 45 нафардан ортиғи ишли бўлди. Атига 11 нафар ишсиз қолган. Бандликни таъминлашда улларга субсидия ва кредитлар берилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришди. Бир қисмини тадбиркорликка йўналтирдик, мономарказда касб-хунар ўргатдик. Айни кунда 14 нафар тадбиркор 30 дан ортиқ иш ўрни яратган.

Келгуси режаларимиз — маҳаллага пиёдалар йўлаги қуриш, қолган кўчаларга тунги ёритиш чироклари ўрнатиш. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига Теракзор, Фидо, Софдиллик кўчаларини 2 км. масофасини асфальтлаш тақлифини киритдик.

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Ёнғиндан огоҳлик ҳеч қачон панд бермайди

2023 йил 1 сентябрдан мамлакатимизда «Ёнғиндан огоҳлик» умуммиллий ҳаракатига старт берилди. Унинг ҳуқуқий асоси «Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори билан белгиланган.

Нурбек НУРМОҶОВ,
Миробод тумани ФВБ П ва НБ
инспектори, катта лейтенант.

Умуммиллий ҳаракат давомида таълим ташкилотларида ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил услубий машғулотлар ўтказилляпти, давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда иш жойларида ёнғин хавфсизлиги бўйича ўқитиш ташкил этиляпти. Шу билан бирга, жамоат жойлари, таълим ташкилотлари, иш жойлари ва тураржой комплексларида ўт ўчириш бўйича амалий тадбирлар белгиланяпти.

Айтиш керакки, 2024 йилдан умуммиллий ҳаракат доирасида ҳар бир ҳудудда тадбиркорлар ўртасида «Ёнғин хавфсизлиги аълочиси» танлови ўтказилади. Мазкур танлов ғолибига 100 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти берилади ҳамда унинг фаолияти 2 йил давомида давлат ёнғин назорати органлари томонидан текширилмайди.

2024 йил 1 январдан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларнинг

ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартиби (ёнғин аудити) жорий этилади.

2023 йил 1 ноябрдан давлат ёнғин назорати органларининг ижобий хулосасини олмасдан, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукционга чиқариш, қурилиш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тақиқланади.

2024 йил 1 январдан бозорлар ва савдо комплексларига тегишли бино ва иншоотлар мулкдорларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тартиби жорий этилади. Шунингдек, 2023 йил 1 ноябргача текширувлар жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ва тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳисобидан давлат ёнғин назорати инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш имконини берувчи «E-inspektor» аппарат-дастурий мажмуаси жорий этилади.

КЎЗГҮ

«Қайта ишлаш корхонаси ишга тушса, иш ўрни кўпаярди»



Маҳалламиз нисбатан катта – 4 209 нафар аҳоли истиқомат қилувчи фуқаролар йиғини ҳисобланади. Кейинги пайтда одамлар яшаш шароитини яхшилаш борасида манзилли ишларни олиб бораемиз.

Шодиёр АБДУЛЛАЕВ,
Булуғур туманидаги «Саховат» маҳалласи раиси.

2023 йилда маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ масалалардан бири – электр энергияси муаммосига ечим топилди. Яъни кўчаларимизга 107 та бетон устунлар ўрнатилиб, янги трансформатор қўйилди.

Қувонарлиси, худудимизда бирорта ишсиз, бекорчи йўқ. Ҳамма ўзини ўзи банд қилган. Худудда 70 та тадбиркорлик субъекти бор. Унда 200 та иш ўрни яратилган. Бу ерда «маҳаллабай» ишлаш борасида ўзига хос тизим яратилган бўлиб, унга кўра, ихтисослашувимиздан келиб чиққан ҳолда ўсиш нуқтамиз белгилаб олинган. Яъни маҳаллий аҳоли кўпроқ қайси фаолият тури билан шуғулланишса, шунга ёндош фаолият турларини янада ривож-

лантириш, етиштирилган маҳсулотларга бирламчи ишлов бериш ёки саноат ишлаб чиқаришга ўтиш орқали маҳсулот харидорчилиги ва таннархининг ошишига эришиш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ўстириш кўзда тутилмоқда.

«Драйвер»имиз – қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, картошка етиштириш борасида тумандаги энг олди маҳаллалардан саналамиз. Худудимизда 677 та хонадон бўлиб, барчаси томорқадан самарали фойдаланади. Маҳалла аҳолисининг аксарият қисми, яъни 417 та хонадон 15-20 сотих мавжуд томорқа майдонига картошка экиш билан шуғулланади. Асосан

томорқа ер майдонига картошканинг «Эволюшн», «Янги эволюшн» «Аризона», «Санта», «Пикассо» каби навлари экилади. Ушбу картошка навларини бир йилда икки мавсум экиш орқали 20 сотих томорқа ер майдонидан ўрта ҳисобда 12 тоннага яқин ҳосил олинади. Бунинг ортидан одамларимиз яхшигина даромад топишмоқда.

Маҳаллада картошка етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш мақсадида 6 та оиланинг 6 нафар «Ёшлар дафтари»га киритилган аъзосига картошка уруғларини сотиб олиш учун 14 млн. сўмдан имтиёзли шартлар асосида кредит маблағлари ажратилди. Натижада бу ёшларнинг бандлиги таъминланди ҳамда

доимий даромад манбаига эга бўлди. Маҳалладошимиз Сирожиддин Очиловга субсидия ҳисобига пайвандлаш ускунаси олиб берилди. Натижада у ҳам ўзини ўзи банд қилди. 2 нафар «Ёшлар дафтари» рўйхатидагиларга тўлов шартнома пуллари тўлаб берилди. 1 нафарига сафарбарлик резерви тўлови ўтказилди.

Келгуси режамиз – маҳалламизда қайта ишлаш корхонаси ташкил қилиш. Шунга эришсак, ўзимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратилиб, хоризгга ишлашга кетган мигрантларимиз уйларига қайтишига эришамиз. Бу таклифимизни туман ва вилоят раҳбарларига берганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳада шартномасини тузиш тартиби қандай?



Шаҳоб Жўрақулов,
Ургут туманидаги «Қуйгузар» маҳалласи раиси:

– Уй-жой тақсимоти билан боғлиқ турли усуллар бор. Улардан бири – ҳада шартномаси ҳисобланади. Бизнинг маҳаллада бир отахон уй-жойини кенжа фарзандига ҳада тарзида ўтказиб бермоқчи. Бунинг учун нима қилиш керак? Ҳада шартномасини тузиш тартиби қандай?

Ш.МАЖИДОВ, «Мадад» ННТ Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ва тушунтиришлар бериш бўлими етакчи мутахассиси:

– Ҳада шартномасини тасдиқлашда ҳар иккала томон – ҳада қилувчи ва олувчи қатнашиши керак. Уларнинг хоҳиш-иродаси, амалдаги, муддати ўтмаган паспорт маълумотлари, доимий ё вақтинча рўйхатга олинган яшаш жойлари, ҳада қилинаётган кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатлари, уй режаси, майдони, қавати, нечта хонадан иборат экани, хонадон манзили, жойлашган жойи, уй дафтари, уй тури (ҳовли ёки кўп қаватли уй) ҳақидаги тўлиқ маълумот талаб қилинади.

Шунингдек, эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатлар (турли хил шартномалар, гувоҳномалар, ҳоким ё суд қарорлари, давлат далолатномаси, уй-жой кооперативлари маълумотномалари ва бошқалар), ҳада қилинувчи иморатнинг лойиҳавий режаси, кўчмас мулк жойлашган тумандаги кадастр бўлимининг белгиланган тартибдаги маълумотномаси, турар жойидан, сув, газ, электр энергия, телефон ва бошқа тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида коммунал бўлимдан маълумот, ҳада берувчи турмуш ўртоғининг розилигини билдирувчи ёзма ариза (Оила Кодекси-

нинг 25-моддасида белгиланган тартибда талаб қилинади) керак бўлади.

Мол-мулк, одатда, мулк ҳуқуқи, қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, бир шахс эгалигидан иккинчи шахсга ўтади. Бундай ҳолларда мол-мулк ўзининг дастлабки сифатини йўқотмайди. Фақат унга эгалик қилувчи субъектлар ўзгаради.

Фуқаролик кодексининг 502-моддасида ҳада шартномасига мувофиқ, бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи талабини бериб ёки бериш мажбуриятини юклайди. Бирор-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирор-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш) агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади.

БИЛАСИСМИ?

Ногиронлиги бўлган шахслар давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланади

«Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 2023 йилда муҳтож шахслар замонавий оёқ протез-ортопедия буюмлари билан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган ва I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сон протези, болдир протези ва оёқ камари ортопед аппаратлари билан бепул таъминланиши йўлга қўйилган.

2023 йил 1 сентябрдан ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлашда тиббий хулоса талаб қилинмайди.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва уларга ғамхўрлик қилувчилар давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланади, мансабдор шахслар қабулига навбатсиз киради.

2023 йил 1 майдан шифохоналарда даволанаётган ногиронлиги бўлган болага ғамхўрлик қилаётган шахсларга: боланинг ёнида бўлиш учун шароит яратилади; мазкур давр учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бепул овқат берилади.

Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари болани ногиронлиги бўлган шахс деб топганда уларга пенсия тайинлашда қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш бекор қилинган.

«Юридик ёрдам» ахборот тизимида ногиронлиги бўлган шахсларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш учун алоҳида мурожаат бўлими яратилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Бола парвариши нафақаси кимларга берилади?



Абдуҳаким БЕРДИЕВ,
Тойлоқ туманидаги
«Истиклол» маҳалласи раиси:

— Маҳаллага аҳоли турли муаммолари билан бирга, ҳуқуқий ёрдам сўраб ҳам мурожаат қилади. Энг кўп моддий ёрдам ва нафақалар билан боғлиқ саволлар берилади. Яқинда бир фуқаромиз бола 2 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган парвариш қилиш нафақаси бўйича маълумот сўради. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот бера оласизми? Бу нафақа кимларга тўланади? Эгизак фарзандларга бир хил сумма бериладими? Нафақа қачон тўхтатилади?

Нурали НУРМУҲАМЕДОВ, «Норма» эксперти, юрист:

— «Ишловчи оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, бундай нафақа оналарга нафақа олиш учун мурожаат қилинган ойдан бошлаб, аммо ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан сўнг тайинланади. Бунда нафақа ишловчи ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган оналарга, шунингдек, онанинг ўрнини босувчи шахсларга иш жойидан, таълим олиш, хизмат ўташ жойидан тўланади.

Нафақа, қондага кўра, боланинг онасига тўланади. Бирок нафақа унинг отасига, васийликка олган шахсларга ёки ҳақиқатда болани парваришлаган бошқа қариндошларга тўланиши ҳам мумкин. Нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор корхона раҳбари томо-

нидан буйруқ ёки фармойиш шаклида қабул қилинади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу нафақа тури фақат асосий иш жойи бўйича тўланади. Уриндошлик асосида ишлаётганларга бу нафақа берилмайди.

Мазкур нафақа болалар сонидан қатъи назар, ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорда тўланади. Агар ходима икки ва ундан ортиқ фарзандларни туққан бўлса, бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир баробар миқдорда тўланади. Агар ходима ҳали икки ёшга тўлмаган тўнғич боласини парваришлаган таътийдан чиқмай туриб, яна «декрет»га кетмоқчи бўлса, онанинг танлови асосида нафақанинг фақат бир тури тўланади.

Она меҳнат шартномаси асосида мавсумий ишларда банд бўлса, мавсумий иш билан

банд бўлган даврда нафақани мавсумий ишни бажариш жойидан олади. Мавсум тугаганда (мавсумлар орасида) нафақа умумий асосларда доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади. Меҳнат шартномаси кейинги мавсумда тузилган тақдирда, нафақа ишга чиқиши белгиланган ойдан бошлаб иш жойидан тўлаб берилади.

Тўлиқсиз иш вақти асосида ёки уйда ишловчи оналар иш даврида бир вақтнинг ўзида бола парвариши бўйича нафақани ва иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.

Бола парвариши бўйича нафақа тўлаш бола икки ёшга тўлганда, у тўлиқ давлат таъминотида бўлган махсус муассасалар (меҳрибонлик уйи) га жойлаштирилганда, вафот этганда, оила бола билан бирга доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда тўхтатилади. Нафақа олувчи шахс нафақа тўловини тўхтатишга сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳақида корхона хабар бериши шарт. Агар у бунди қилмаса, нафақа миқдори белгиланган тартибда ундирилиши мумкин. Ходимнинг даромадидан — улар тўланганда, даромад бўлмаганда ёки уни қоплашдан бош торганда — суд тартибда ундирилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Янгибой Жўраев,
Олот туманидаги «Мухтор» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда яшовчи фуқаро турмуш ўртоғи билан ажрашган. 7 ёшли боласи бор, ҳозирда у отасининг фамилиясида. Маҳалладошимиз фарзандининг фамилиясини ўгартиришда йўл-йўриқ сўраб бизга мурожаат қилганди. Айтингни, юқоридаги вазиятда боланинг фамилиясини қандай ўзгартирса бўлади? Бунга отанинг розилиги керакми?

Фамилия ўзгартиришда ота розилиги керак

Сардор РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Оила кодексига кўра, бола 16 ёшга тўлгунча ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан, 16 ёшга тўлгач, ўз аризасига биноан, исмини, унга берилган фамилияни ФХДЭ органи орқали ўзгартиришга ҳақли.

Агар ота-она алоҳида яшаса, яъни ажрашган бўлса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) фарзандига ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек, ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз

сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва унга нисбатан оталик белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

10 ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Демак, сизнинг маҳалладошингиз бу ҳолатда васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиб, отанинг розилигини олган ҳолда, боланинг фамилиясини ўзгартириши мумкин.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Меҳнат қуроллари учун субсидия берилади

Давлат томонидан фуқароларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия берилади. Субсидия тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»га киритилган фуқаролар учун тақдим этилади. Улар фаолиятини бошлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуна ва ёки меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия бериши сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки «Онлайн маҳалла» электрон платформа орқали ариза билан мурожаат

қилиши мумкин.

Аризада ишсиз фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ишсизлиги, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ешлар дафтари»нинг бирида турганлиги, ўз фаолиятини бошлаш учун харид қилиш керак бўладиган асбоб-ускуна ва ёки меҳнат қуроллари номи, сўралаётган субсидия миқдори, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлиги кўрсатилади.

БИЛАСИЗМИ?

Қандай реклама болалар учун зарарли саналади?

Хар куни ва ҳар қадамда рекламаларга дуч келамиз. Телевидение, радио, баннерлар, плакатлар, симёғочлар... Уларнинг ҳаммаси ҳам қонун талабларига мосми? Реклама учун қандай талаблар қўйилади? Қайси маҳсулотларни реклама қилиш мумкин эмас?

Реклама учун тил қоидаси борми? Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама давлат тилида тарқатилиши керак. Бошқа тилларда фақатгина реклама мазмунининг таржимаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги, реклама матнининг пастки қисмида жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги, давлат тилидаги реклама матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак.

Қандай рекламалар тақиқланади? Ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонунда тақиқланган, тегишли сертификатлари ва лицензиялари, мажбурий

сертификатлаштириш гувоҳномалари ёки махсус рухсатномалари мавжуд бўлмаган товарларни, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп ва (ёки) кучли таъсир қилувчи моддаларни, порнография маҳсулотларини реклама қилиш тақиқланади.

Болалар учун зарарли рекламалар қайсылар? Ҳар қандай реклама бўлади, масалан, айрим рекламалар кўчма маъноларга ҳам эга бўлиши мумкин. Шу боисдан, рекламада қуйидагилар тақиқланади:

- вояга етмаганларнинг истеъмол қилиши тақиқланган товарларни истеъмол қилаётган ёки улардан

фойдаланаётган вояга етмаганларнинг тасвирларидан фойдаланиш;

- хавфли вазиятларда, шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга ундовчи вазиятларда вояга етмаганларни намоийш этишдан фойдаланиш;

- вояга етмаганларни товарларни олишга даъват қилиш ёки реклама қилинаётган товарларни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга ундаш;

- ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан фойдаланиш;
- ота-оналар ва тарбиячиларни

обрўсизлантириш, вояга етмаганларнинг уларга бўлган ишончига путур етказиш;

- вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган товарларни вояга етмаганлар учун мўлжалланган телеканалларда, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда реклама қилиш.

Реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қандай? Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1781-моддасига кўра, реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун БҲМнинг 3 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима жазоси назарда тутилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Чернобиль жабрланувчиларига қандай имтиёзлар бор?



Ҳабибжон РАҲИМОВ,
Боғот туманидаги
«Қальжаиқалъа» маҳалласи
раиси:

— Маҳалламизда Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этиш қатнашчилари яшашида. Қонунчиликда уларга қатор имтиёзлар берилганини биламиз. Бироқ айрим ҳолларда улар буни билишмайди ва имтиёздан фойдалана олмайди. Имкони бўлса, айнан Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этиш қатнашчиларига берилган имтиёзлар ҳақида маълумот бериб ўтсангиз...

Сардор РАҲМОНОВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги қарорига асосан, ҳалокатдан жабр чеккан фуқароларга бериладиган ҳақ-хуқуқлар, компенсация пули ва имтиёзлар рўйхати тасдиқланган. Хусусан, Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этиш қатнашчилари умумий белгиланган ёшдан



10 йил ва 5 йил олдин ёшга доир пенсияга чиқишлари мумкин. Бунда 10 йил олдин пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар — 50 ёшга тўлиб, зарарланган ҳудудда (1986-1987 йиллар) қанча вақт ишлаганидан қатъи назар, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлса, аёллар — 45 ёшга тўлиб, камида 15 йиллик иш стажига эга бўлса белгиланади. Шунингдек, уларга пенсияга қўшимча равишда ёшга доир энг кам пенсия миқдорининг 30 фоизи миқдоридан устама белгиланади. Бу устама миқдори ҳозирги кунда 203 100 сўмни ташкил этади.

Умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар — 55 ёшга тўлиб, зарарланган ҳудудда (1988 йил) қанча вақт ишлаганидан қатъи на-

зар, камида 25 йиллик иш стажига эга бўлса, аёллар — 50 ёшга тўлиб, камида 20 йиллик иш стажига эга бўлса белгиланади. Бунда уларнинг пенсиясига қўшимча равишда ёшга доир энг кам пенсия миқдорининг 25 фоизи миқдоридан устама белгиланади. Бу устама ҳозирги кунда 169 250 сўмни ташкил этади.

Фақат юқоридагилар эмас, жабрланганларга яна қатор имтиёзлар берилади. Жумладан, улар ясама тишларни бепул тайёрлаш ва тузатиш, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлиги туфайли, узлуксиз иш фаолиятдан қатъи назар, ойлик маошининг 100 фоизи миқдоридан нафақа олиш, давлат тураржой фондиданги ўзлари яшаб турган тураржойларни текинга шахсий мулк қилиб олиш, озик-овқат

маҳсулотлари билан таъминлаш, ҳар йили бир марта, улар хоҳлаган вақтларда меҳнат таътилидан фойдаланиш, шунингдек, иш ҳақи сақланган ҳолда 14 календарь кундан иборат ҳар йилги қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эга.

Қолаверса, улар яқка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда ер майдонлари олиши мумкин. Даволаш-профилактика муассасаларида ва дорихоналарда уларга биринчи навбатда хизмат кўрсатилади. Пенсияга чиққунга қадар ёки иш жойи ўзгаргунга қадар бириктирилган поликлиникадан пенсияга чиққанда ва иш жойини ўзгартирганда ҳам фойдаланиши мумкин. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлардаги (пансион-

натларда) жойлар билан имтиёзли таъминланади.


Шу билан бирга, бу тоифадаги фуқароларга иш жойидан ҳар йили санаторий-курорт ёки бошқа соғломлаштириш муассасасига бориш учун биринчи навбатда текин йўланма билан таъминланиш, яшаш шароитларини яхшилаш зарур деб топилса, биринчи навбатда уй-жой билан таъминланиш, ҳамма турдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортда (таксидан ташқари) ва ўзи яшайдиган қишлоқ жойлардаги умумий фойдаланиладиган автотранспортда (таксидан бошқа), маъмурий туманда, шунингдек, шаҳар атрофида қатнайдиغان темир йўл ва шаҳар ташқарисиданги маршрутларда қатновчи автобусда бепул юриш ҳуқуқи берилган.

МУҲОКАМА

Қонуний никоҳсиз туғилишлар сони ортяпти... (ми?)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қайд этиш керакки, Асосий қонунимизнинг 76-моддасида оила жамиятининг асосий бўлини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида экани, никоҳ Ўзбекистон халқининг аънавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ сўнгги пайтларда республикада фақатгина диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳлар сони ва бунинг ортидан кўп хотинлик ҳолатлари ортиб бораётгани кузатилмоқда. Шунингдек, реклама, кўнгилочар ва таҳлилий материаллар орқали кўп хотинлик ва унинг «афзалликлар»ни тарғиб қилиш авж олмоқда.



Бунинг оқибатида қонуний никоҳсиз туғилган болалар сони ошган. Хусусан, 2022 йилда республика бўйича 18 955 та ҳолатда туғилган чақалоқлар ёлғиз она аризаси асосида қайд этилган. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 19 037 тани, 2020 йилда 16 564 тани ташкил қилган.

Никоҳ белгиланган тартибда ФХДЁ органларида қайд этилмагани оталикни белгилаш, алимент тайинлаш, мерос масалаларига оид турли хил муаммоларни келтириб чиқариб, натижада фуқароларда, айниқса аёлларда давлатнинг ҳуқуқий сиёсатига нисбатан бўлган ишончи йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, жиноий ва маъмурий қонунчиликда миллий, ирқий, этник ва диний адоват кўзғатганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, ушбу моддалар етарлича аниқ баён этилмагани адоват кўзғатувчи материаллар муаллифларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва малакалаш имконини бермаяпти.

Қолаверса, сўнгги пайтларда гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ҳолат эса «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунга асосан, жинс бўйича билвосита камситиш ҳисобланади.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан:

• **биринчидан**, миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, бир тоифа фуқароларнинг бошқа тоифа фуқаролардан устунлигини ёки нуқсонли эканини тарғиб қилганлик, никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун — **жиноий ва маъмурий жавобгарлик** белгиланмоқда.

Эътибор бериш керак, бунгача фақат никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд эди, ammo қонуний никоҳдан ўтмаганлар ўртасида никоҳ ўқиганлик учун жавобгарлик белгиланмаган эди.

• **иккинчидан**, икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилганлик, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очикдан-очиқ инкор этганлик учун — **маъмурий жазо** қўлланилади.

Буни қандай тушуниш керак? Қўпчилик бу ўзгартиришни «энди кўп хотинлик тақиқланди», деб тушунди. Аслида, бизда кўп хотинли

бўлиш азалдан тақиқланган. Жиноят кодексининг 126-моддасида кўра, кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш БХМнинг 50 бараваридан 100 бараваргача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Эндилликда жиноят сифатида белгиланган ушбу қилмишни тарғиб қилганлик учун маъмурий жазо киритилди. Яъни гап фақат тарғибот ҳақида кетмоқда.

• **учинчидан**, жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган даражада юзини тўсган ҳолда бўлганлик учун — **маъмурий жавобгарлик** белгиланмоқда.

Айни вазиятда эътибор бериш керак бўлган бошқа жиҳат бор: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-1-моддасидаги фуқароларнинг жамоат жойларида ишлари учун жавобгарлик (БХМнинг беш бараваридан ўн бараваргача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамок) бекор қилинди.

Қонун кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди.

Давлат хизматлари сиз истаган шаклда кўрсатилади

Шайхислом ТУЯКБОВ,
Томди туманидаги
«Шарқ» маҳалласи раиси:

— Йил бошида айрим давлат хизматларини жойига чиққан ҳолда кўрсатиш тартиби жорий этилиши айтилган эди. Шу тартиб ишга тушдими? Маҳалламизда ногиронлиги бўлган, кекса фуқаролар бор, кадастр, солиқ билан боғлиқ масалаларни уларнинг уйига келиб кўрсатиш мумкинми?

Фаррух Жўраев,

Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳукуматнинг 2023 йил 31 августдаги тегишли қарори билан Давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Унга кўра, давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш 2023 йил 1 октябрдан бошлаб ҳаётга татбиқ этилади.

Бунда давлат хизматлари Адлия вазирлигининг Алоқа марказига («Call-марказ») ёки унинг расмий веб-сайтига мурожаат қилиш орқали кўрсатилади. «Call-марказ» орқали сўровномалар соат 09:00 дан 18:00 гача иш вақти давомида



қабул қилинади. Расмий веб-сайт орқали сутканинг исталган вақтида мурожаат қилиниши мумкин. Давлат хизматларини кўрсатиш вақти Давлат хизматлари марказлари (ваколатли орган)нинг иш вақти доирасида белгиланади.

«Call-марказ» масъул ходими ариза берувчи номидан сўровнома тўлдирди ва сўровномадаги маълумотлар тасдиқлангандан сўнг ариза берувчига тўлов инвойсини юборади. Сўнг масъул ходим ариза берувчи билан телефон орқали

боғланиб, сўровномада кўрсатилган жойга чиқади ҳамда махсус техник қурилмалар ёрдамида (планшет ёки компьютерга ўрнатилган дактилоскопия, принтер ва бошқалар) давлат хизматини кўрсатади ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун ариза юборади (сўровномада белгиланган муддатларда).

Давлат хизматларини жойига чиққан ҳолда кўрсатиш ёки давлат хизматларидан фойдаланишга ариза юбориш учун Тошкент

шаҳрида БҲМнинг 50 фоизи, вилоят марказларида БҲМнинг 40 фоизи, туман(шаҳар)ларда БҲМнинг 30 фоизи миқдорида бир марталик тўлов ундирилади.

Бунда айрим тоифадаги шахсларга имтиёз қўлланилади, жумладан, ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, соғлигининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Айтиш керакки, давлат хизматларини жойига чиққан ҳолда кўрсатиш миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш, Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини ҳамда хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга нисбатан тадбиқ этилмайди.

БАНДЛИК

Синов муддатини узайтириб бўлмайди

Замира ҚУТЛИМУРАТОВА,
Нукус шаҳридаги «Қутлуғ овул»
маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда яшовчи фуқаро давлат корхонасига ишга кирганида у билан 1 ойлик дастлабки синов муддати асосида меҳнат шартномаси тузилган. Синов муддати тугашидан 2 кун олдин раҳбар шартномани яна 2 ҳафтага узайтиришини айтибди. Сабаби, янги ходим ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳали «ўзини ҳеч ҳам кўрсата олмабди». Иш берувчи белгиланган синов муддатини узайтиришга ҳақлими?



Ленара ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

— Меҳнат шартномасида синов муддати тўғрисидаги шарт ходимга – ушбу ташкилотда ишни давом эттириш ёки эттирмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш, иш берувчига – ходимнинг топшириладиган ишга ваколати, малакиси мос келадими-йўқми, шуни текшириш имкониятларини беради. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ходим ҳам, иш берувчи ҳам меҳнат шартномасини содалаштирган тартибда бекор қилишга ҳақли. Бу вазиятда иккинчи тараф камида уч кун олдин ёзма шаклда огоҳлантирилиши керак.

Агар синов муддати тугаган бўлса ёхуд ушбу муддат тугашига камида уч кун қолган бўлса ҳамда ходим уч кунлик огоҳлантириш муддатини қисқартиришга ўз розилигини

бермаса, меҳнат шартномасининг амал қилиши давом этади. Келгусида меҳнат шартномасини бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади. Агар меҳнат шартномасида дастлабки синов муддати белгиланмаган бўлса, ходим ишга бундай шартсиз қабул қилинган ҳисобланади.

Дастлабки синов қанча муддатга белгиланади? Дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари учун эса олти ойдан ошмаслиги керак. Ҳатто ходимнинг розилиги билан ҳам ушбу муддатлардан узокроқ синов муддатини белгилаш мумкин эмас. Синов муддатининг энг кам муддати қонун билан белгиланмаган.

Қачон дастлабки синовнинг амал қилиши тўхтатилади? Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври ва ходим ҳақиқатда ишда бўлмаган бошқа кунлар дастлабки синов даврида ҳисобга олинмайди. Мисол учун, у иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлган, судда гувоҳ сифатида қатнашган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини оширган ёки шунчаки сабабсиз ишга келмаган. Шу кунлар дастлабки синов муддатида ҳисобга олинмайди.

Иш берувчи синов муддатини узайтира оладими? Иш берувчи ходимнинг кўзланган вазифага мувофиқлиги хусусида якуний хулосага келолмаган бўлса ҳам меҳнат шартномасида кўрсатилган синов муддатини узайтира олмайд. Бунга ҳатто ходимнинг розилиги билан ҳам йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолда узайтирилган муддат Меҳнат кодексининг 130-моддаси бўйича максимал муддатлардан ошиб кетадими ёки йўқми, муҳим эмас. Дейлик, меҳнат шартномасида белгиланган бир ойлик синов муддати ҳатто бир кунга ҳам узайтирилиши мумкин эмас. Акс ҳолда иш берувчининг айбдор мансабдор шахси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

Кимлар дам олиш кунини ишга чақирилмайди?

Кимлар дам олиш кунини ишга чиқиши мумкин? Ташкилотнинг кейинги нормал фаолияти шошилинч бажариладиган ишларга боғлиқ бўлганда, ўша ишларни бажариш учун ходимлар уларнинг ёзма розилиги билан дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этилиши мумкин. Бунда шошилинч бажарилиши керак бўлган ишлар рўйхати жамоа шартномасида ёки касаба уюшмаси билан келишиб иш берувчи томонидан ёхуд меҳнат шартномасида белгиланади.

Шунингдек, ишланмайдиган байрамларда ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш имкони бўлмаган, аҳолига хизмат кўрсатиладиган ишларни, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларини амалга оширишга йўл қўйилади. Бундан ташқари, маданий-томоша ташкилотлари, телевидение, радиоэшиттириш ва бошқа ОАВ ходимлари дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этилиши мумкин.

Бахтсиз ҳодиса рўй берганда ходимни розилигисиз ишга чақириб мумкин. Куйидаги ҳолатларда ходимнинг розилигисиз дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилади:

- табиий ёки техноген ҳалокатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар (ёнғин, тошқин, зилзила, эпидемия ва бошқалар) давридаги ишларни бажариш учун;

- бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун;

- иссиқ ва совуқ сув, газ, ёруғлик, иссиқлик таъминоти, транспорт, алоқанинг нормал ишлашини бузадиган ҳолатларни бартараф этиш учун;

- иш берувчи мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказишнинг олдини олиш учун.

Кимлар розилигисиз ишга чақирилиши мумкин эмас? Ногиронлиги бўлган ходимлар, ҳомилдор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси бўлган ходимларни дам олиш кунини ва ишланмайдиган бай-

рам кунларида ишга жалб қилишга ҳар қандай ҳолатда (бахтсиз ҳодисада ҳам) фақат уларнинг розилиги билан йўл қўйилади. 18 ёшгача бўлган ходимларни эса дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланади (ТВ, ОАВ, радио, спорт соҳасидаги ишлар мустасно).

Дам олиш ёки байрамдаги иш учун 2 хисса пул тўланади. Ички ҳужжатларда икки хиссадан кўпроқ ҳақ тўланиши белгиланиши мумкин. Дам олиш кунини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Шунингдек, бу вазиятда ходимга ўзининг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Шунингдек, бу вазиятда ходимга ўзининг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини берилиши мумкин. Бунда ходимга бир хисса ҳақ тўланади. Ходим жадвалга ёки меҳнат шартномасига мувофиқ умумий белгиланган дам олиш кунларида (беш кунлик иш ҳафтасида шанба ёки якшанба кунлари ёки олти кунлик иш ҳафтасида якшанба кунини) ишласа, дам олиш кунлари эса унга бошқа кунда берилса, умумий дам олиш кунларидаги иш учун бир хисса ҳақ тўланади.

Дам олиш ёки байрам кунини иш учун иш берувчи буйруғи керак. Ходимнинг розилиги ариза билан ёки буйруққа имзо қўйдириш орқали олинади. Ходим розилигисиз ишга жалб этилганда буйруқда ходим розилигисиз ишга жалб қилиш асослари кўрсатилиши керак.

ИМКОНИАТ

Томорқачи
тадбиркор эмас, аммо...

Марат АЛЛАМУРАТОВ,
Нукус шаҳридаги «Жеке терек»
маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда томорқачиликни ривожлантиришга имконият бор. Бундан фойдаланиб, рўзгорини бутлаётганлар кўп. Айтингчи, томорқачилик тадбиркорлик саналадими? Уларга иш стажы ҳисобланиши учун қайси фаолият тури билан шуғулланиш керак? Томорқачига кредит ёки субсидия берилладими?

Ёқутхон ЮСУПОВА, Адлия вазирлиги маъсул ходими:

— Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди, уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Томорқачи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин. Томорқада етиштирилган маҳсулотлар хусусий мулкдир.

Ўзининг шахсий томорқасида чорвачилик, иссиқхона, паррандочилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БХМнинг камида бир баравари (330 000 сўм) миқдорда ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига

қўшилиши белгиланган. Бунда уларга тегишли бўлган томорқа ер участкасининг майдони ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар, ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рухсат этилади.

Томорқа учун кредит берилди. Бунда, қоида тариқасида, 100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, «дала дўконлари» қуриш, артезиан кудуқларини қазииш, кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун кредит ажратилади.



Шу билан бирга, томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга Бандликка кўмаклашиш

давлат жамғармаси ҳисобидан БХМнинг 20 бараваригача (6,6 млн. сўмгача) миқдорда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан субсидия ажратилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Моддий ёрдам тайинлаш
қачон рад этилади?

Муродали КАМОЛОВ,
Шофиркон туманидаги
«Жўйрабод» маҳалласи раиси:

— Газетангиз орқали болалар нафақаси берилиши бўйича маълумотлар билан танишиб бораемиз. Аммо бизни бошқа савол қизиқтиряпти. Ҳозир маҳалламизда якка-ёлғиз фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланмоқда. Айтингчи, моддий ёрдам қандай ҳолларда рад этилиши мумкин?



Наргиза ФАХРИДДИНОВА, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
Юридик таъминот бўлими юристконсулти:

— Оилани кам таъминланган оила, деб эътироф этиш ва унга моддий ёрдамни тайинлаш ёхуд тайинлашни рад этиш «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Агар ариза берувчи ва унинг оила аъзолари эгалигида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари, ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси, қолаверса, ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган транспорт воситалари мавжуд бўлса, ариза рад этилади. Худди шундай, фуқаронинг банк-

да меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда, оилада ишсизлик нафақасини олаётганлар бўлса, шунингдек, оиланинг охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси ишга доир таклифларни мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этаётган бўлса, охириги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда, моддий ёрдам тайинлаш рад қилинади. Ушбу қоида «Ягона миллий

меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобда турган шахсларга, бола уч ёшга тўлгунча қадар парвариш қилаётган оналарга, таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртки шакллари бундан мустасно), ишламайдиган пенсионерлар, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган ва меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олувчиларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гуруҳ ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга, амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига нисбатан қўлланилмайди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Кимлар
касалхоналарда
овқат учун
пул тўламайди?

Шундай тоифадаги беморлар борки, улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги касалхоналарда овқатланиш харажатлари учун пул тўламайди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, қуйидаги беморлар овқатланиш тўловларидан озод этилади:

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар;
- 1941 – 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва уруш қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;
- Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашиш натижасида ногиронлиги бўлган шахслар;
- 1941 – 1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат fronti қатнашчилари;
- байналмилалчи жангчилар;
- ғирт етимлар;
- ваколатли органларда ҳисобда турувчи ёлғиз пенсионерлар;
- 18 ёшгача бўлган болалар, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари;
- қақирик комиссиялари ҳулосаларига кўра мудофаа ишлари бўлиmlарининг йўлланмалари бўйича 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган қақирик ёшидагилар;
- «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар;
- 1 ёшгача боласи бўлган эмизикли оналар;
- болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган болаларга қаровчи шахслар (ота-она ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий
газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами — А3, 4 босма табоқ.
7 910 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-918
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

